

Da'vat

Aqli bo'lish
kifoya emas,
muhimi uni
ishlata bilish-
dir.

Rene DEKART

Kuch - bilim va tafakkurda



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 25-avgust, chorshanba № 69 (7678)

ЯНГИ МАКТАБ ҚУРИЛИШИ

орзу ва интилишлар
руёби



Илк бор мактаб остонасига қадам қўйган мурғак қалбнинг мактаб, ўқитувчилари, бўлғуси дарслар, синфдошлар, синф хоналари, қўйингки, жамики мактабга тегишли нарсалар ҳақидаги ўйлари, тасаввурларини ҳар биримиз кичкиналимизда ҳис қилганмиз.

Айниқса, ён-атрофи саранжом-саришта, хоналари ёруғ, шинам, бўёқнинг ҳиди кетиб улгурмаган янги мактабга қадам қўйган ўқувчилар ўзларини ушбу кошонанинг биринчи қалдирғочлари эканликларини ҳис қилишиб, янада катта ҳавас ва интилиш билан ўқийдилар. Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ тумани, Узоқ Мирзаев жамоа хўжалигида жойлашган 45-сон умумий ўрта таълим мактабида таълим оладиган болажонлар янги ўқув йилининг 1-қунида ана шундай ҳавас билан ўқийдилар. Туман халқ таълими бўлимига қарашли 2 қаватли ушбу мактаб Ҳисорқурилиш ПМК-3 курувчилари томонидан янги ўқув йилига тухфа сифатида топширилади. Шу кунларда эса фан хоналари, спорт зали, чизмачилик хонаси, фаоллар зали, кутубхона, 16 та ўқув хонаси жиҳозланмоқда.

Суратда: мактабнинг ташқи кўриниши.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ
олган сурат

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

QONUN LOYIHASI MUHOKAMADA

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisida parlament Ombudsmani huzuridagi insonning konstitutsiyaviy huquq va erkinliklariga rioya etilishi bo'yicha komissiyaning kengaytirilgan yig'ilishida ikkinchi chaqiriq Oliy Majlisning o'n beshinchi sessiyasi kun tartibiga kiritilishi nazarda tutilayotgan yangi tahrirdagi "O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Inson huquqlari bo'yicha vakili (ombudsman) to'g'risida"gi qonun loyihasi muhokama etildi.

"NIHOL - 2004" SOVRINDORLARI

Yurtboshimiz Islom Karimovning iqtidorli yoshlarni qullab-quvvatlashga, ularning qobiliyatlarini yuzaga chiqarishga bo'lgan doimiy e'tibori ifodasi sifatida har yili o'tkazilib kelinayotgan "Nihol" mukofoti uchun tanlovning bu yilgi g'oliblari aniqlanib, poytaxtimizdagi "Xalqlar do'stligi" saroyida ularni taqdirlash marosimi bo'lib o'tdi.

(Davomi 2-betda.)

Ibrat

Orolbo'yida tashkil etilgan «Sog'lom bola» haftaligi mobaynida Qoraqalpog'istondagi barcha poliklinikalar va qishloq vrachlik punktlarida besh yoshgacha bo'lgan bolalar tibbiy ko'rikdan o'tkazilib, keng miqyosda muolaja ishlari olib borildi.

НИХОЯТ, ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБУСЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ !!!

XI asr bo'lishda buyuk bobokalonimiz Abu Rayhon Beruniy sayёramiz dumaloq shaklda ekranligi haqida qashfiётни инсониятга тақдим этган эди.

Минг йиллик тавафусдан сўнг бизнинг корхонамиз ҳамюртларимизга ўз миллий тилимиздаги илк глобусларни тақдим этиш бахтига муяссар бўлди. Вазирлар Маҳкамаси қошидаги "Картография" илмий ишлаб чиқариш корхонасида нашр қилинган харита асносида ишлаб чиқарилган бежирим, сифатли, барча илмий талабларга жавоб берадиган сиёсий-маъмурий глобуслар (масштаб-50.000.000) тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи корхонадан пул ўтказиш йўли билан сотилади.

ГЛОБУС ТАЪЛИГИДАН:

1. Сайёрамиз ҳақидаги умумий таъриф.
2. Дунё аҳолиси.
3. Жаҳон макрохудоудлари ва экология.
4. Иқтисодий кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.



Манзил: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Геофизика кўргони, 43-йўналишли микроавтобуснинг сўнги бекати
Тел.: 161-34-68, 330-34-68, 64-08-15, 155-24-63

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

САМАРҚАНД КАТТА СПОРТ БАЙРАМИ ОҒУШИДА

15-бет

АВГУСТ

КЕНГАШЛАРИ:

бу муҳим тадбир
жойларда қандай
ўтказилмоқда

4-5-бетлар

ОИЛА БЮДЖЕТИ:

уни режалаштириш
керакми?

14-бет

«ШАРҚ ЗИЁКОРИ»ДАН
ЯНГИ ДАРСЛИКЛАРНИ
ХАРИД ҚИЛИНГ!

16-бет

SO'NGGI
UCH KUN
MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

MAKTABLARGA
GRANTLAR

Toshkentdagi Xalqaro biznes markazida imzolangan Yaponiya hukumati uchun hajmatga loyihalari uchun beg'araz yordam dasturi doirasida mamlakatimizdagi umumiy o'rta ta'lim muassasalari uchun 157 ming AQSh dollari miqdorida grant ajratishga oid hujjatga ko'ra Toshkent viloyatining Bo'stonliq tumanidagi 22-, Zangiota tumanidagi 32- va Quyi Chirchiq tumanidagi 33-maktablari o'quv qurollari, zamonaviy asbob-uskunalar va boshqa zarur jihozlar bilan ta'minlanadi.

SAMARQANDDA
"XOTIRA MAYDONI"

Samarqand shahri markazida qad rostlayotgan umumiy maydoni bir gektarni tashkil qiladigan, yangicha me'moriy uslubda bunyod etilayotgan "Xotira maydoni" majmui 18 oktyabr - Samarqand kuni arafasida ishga tushadi.

YANGI SPORT
MAJMUALARI

Xorazm viloyati Xozarasp tumani Muxomon qishlog'ida barpo etilgan, mutaxassislarining fikricha ikkinchi tipga mansub bo'lgan, ming tomoshabingam o'ljallangan stadionga ega bolalar sport majmuidagi yengil atletika, mini futbol, basketbol, gandbol va voleybol o'yinlarini o'tkazish, gimnastika, boks, kurash va yakka kurashning boshqa turlari bo'yicha musobaqalar tashkil etish mumkin.

G'uzor tumanidagi Chanoq qishlog'ida foydalanishga topshirilgan bolalar sport majmuidagi yopiq sport zali, futbol maydoni, yugurish yo'laklari, sport sektsiyalari uchun maxsus xonalar mavjud.

ҚИШНИНГ КУНИ ҚИРҚ ТУРЛИ...

Яқиндагина фасллар келинчаги баҳорни кузатиб, гўзал ёзни кутиб олгандик. Уни соз ўтказишни ният қилгандик ўшанда. Қарангки, хаш-паш дегунча бу фасл ҳам ниҳоялаб қолганини сезмай қолибмиз. Ҳадемай куз, сўнгра қишга навбат. «Вақт учур қуш» деб шунга айтсалар керак-да. Куз инжиқликлари, қишнинг қировли кунлари эса ёздаёқ ҳозирлик кўришни тақозо этади. Бунга, айниқса, жажжи болажонлар тарбияланаётган мактабгача таълим муассасаларида жиддий эътибор зарур.

Тўрақўрғон туманидаги мактабгача таълим муассасаларида ҳам мавсум тадориғи ўз вақтида кўрилди. Туманда 50 та МТМлари мавжуд бўлиб, шундан 26 таси махсус, 24 таси мослаштирилган бинода жойлашган ва уларда 4900 нафар болажонлар тарбияланмоқда. Биз 27-«Кичкинтой» ҳамда 8-«Нарғиз» МТМларидаги кузги-қишки мавсумга тайёргарликнинг аҳволи билан танишдик. Асли 140 ўринли бўлган «Кичкинтой» 3 та гу-

руҳда 60 нафар кичкинтойни ўз бағрига олган.

— Муассасамиз мослашган бинода жойлашган. Биномизнинг томи икки йил аввал бир қават томёпқич ашё билан таъмирланганди. Бу йил ҳомийимиз «Ўзбекистон» ширкат хўжалиғи ёрдами билан икки қават томёпқич ашё ташлаб мустаҳкамлаямиз, — дейди боғча мудираси Хуснияхон Асқарова.

Қозонхона ёнидаги айвончага 14 тонна кўмир келтирилиб, уни сифатли сақлаш чораси кўрилди. Мудиранинг билдиришича, яна 8 тонна кўмир олиб келинади. Булардан ташқари айвончалар, мусиқа зали, гуруҳлар хоналари, ошхона ва бинонинг фасади таъмирдан чиқарилган. Таъмирлашга эса ички имкониятдан 100.000 сўм маблағ сарфланган бўлса, ота-оналар кўмағи 42.000 сўмни ташкил этган.

Худди «Кичкинтой» каби «Нарғиз» мактабгача таълим муассасаси ҳам 140 ўринга

мўлжалланиб, 1981 йилда бунёд этилган. Бугун унинг 6 та гуруҳида 115 нафар болажонлар тарбияланишяпти. Муассаса раҳбари Махфуза Бултурованинг сўзларига кўра, бу йил 140 минг сўмлик жорий таъмирлаш ишлари бажарилган. Шунингдек, иситиш тизими ҳам тўла таъмирдан чиқарилган.

— Ўтган йили келтирилган кўмирнинг ярми кукундан иборат эди. Бу йилгила-ри эса жуда яхши, сифатли. Шунинг учун ҳам бу йил 32 тонна кўмир олиб, яна 30 тоннага буюртма бериб кўйдик, — дейди мудира опа.

— Бир суткада қанча кўмир ёқасизлар? — сўраймиз ундан.

— Мавсум бошланиши ва ту-гашида 300—400 кг дан, қишнинг қора совуқлари бўладиган «чилла»да бўлса 1,5 тоннагача ёқилади.

Сўхбатимиз давомида Махфуза опа муассаса ёнидаги хонадон соҳиби, электрогазпайвандчи Ҳамидулло Абдурасулов иси-

тиш тизимини таъмирлашда бе-миннат ёрдамини аямаганлиғи-ни, «Инна» хусусий фирмаси раҳ-бари Фанижон Жанишев эса бо-лалар тўлов бадалаи учун 100 минг сўм маблағ ажратганини мамнун бўлиб гапирди.

— Аммо бизга ҳомий сифати-да бириктирилган «Мардон» ва «Жавлон» фермер хўжаликлари раҳбарлари А.Исоқов ҳамда О.Мирзаев хўжаликлари янги ташкил этилганлиғини баҳона қилиш билан қутулишди, — дей-ди хафа бўлиб М.Бултурова.

Туман халқ таълими бўлими-дан олинган маълумотга кўра, бу йил туман бўйича 3090 тонна кўмир олиниши лозим бўлгани ҳолда, шу кунгача 2461 тонна (80 фоиз) кўмир олиниб, тегишли таълим муассасаларига тарқа-тилган. Қолган қисми эса сен-тябрь ойининг ўрталарига қадар етказиб берилади. Зеро, қишнинг куни қирқ турли, қирқови ҳам қилиқли, деб бежиз айтишмаган.

Хуршид СУЛТОНОВ



ЯНГИ КОЛЛЕЖ — ЯНГИЧА ТАЪЛИМ



Олтиариқ туманидаги 1-механизациялашган кўчма колонна масъулияти чекланган жамият бунёдкорлари яна бир хайрли ишни якунлашди. Улар томонидан қайта таъмирланган ушбу маскан эндиликда Олтиариқ агросаноат касб-хунар коллежи сифатида фаолият кўрса-тади.

Замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган ушбу коллеж 650 нафар ўқувчига мўлжалланган. Бу ерда олти йўналиш бўйича мутахассис тайёрланади. Янги ўқув йилидан бошлаб коллежда 475 нафар ўқувчи таълим олиб, касб-хунар эгаллашади.

Суратларда: касб-хунар коллежида олиб борилаётган сўнги тайёргарлик ишлари.

Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.
(ЎЗА)

ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДАЛАРГА
ТАЙЁРГАРИК

Физика, математика, кимё, информатика, иқтисодий билим асослари фанларидан қобилятли ва иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, уларни республика, халқаро фан олимпиадаларига тайёрлаш мақсадида ёзги мактаб ташкил этилди.

Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги Осмонсой қишлоғидаги «Матлуботчи» оромгоҳидаги «Иқтидор—2004» ёзги мактабига республикамызининг барча вилоятларидан, табиий фанлардан вилоят олимпиадасида биринчи ўринни олган 140 нафар ўқувчилар иштирок этди. Уларга юртимизнинг таниқли профессор-дом-лалари билим бердилар ва фанга оид қўшимча машғулотлар юштирдилар.

Ўқув жараёнида ўқувчиларга халқаро фан олимпиада масалаларини ечиш бўйича қўшимча машғулотлар ҳам ташкил этилди.

Информатика фанидан ўқувчиларни жаҳон олимпиадаларига тайёрлаш мақсадида умумий ўрта таълим мактабларида ўқитилиб келинаётган Бейсик дастурлаш тилидан ташқари Паскал дастурлаш тилини ўргатишга оид дастуру ва амалиётдан билим берилди.

Ёзги мактабнинг «Пентум—4» компьютерлари билан таъминланганлиги ўқувчиларни жаҳон олимпиадасининг Низом ва талаблари асосида тайёрлаш им-конини берди. Бу эса ёзги мактаб фаолияти самарадорлигини оширди. Бу ерда Бухоро, Навоий,

Хоразм, Андижон вилояти ўқувчилари фаол иштирок этиб, яхши натижаларга эришдилар.

Ўқувчиларимиз халқаро фан олимпиадаларида қатнашиб, совринли ўринларни олишларида ёзги мактабнинг алоҳида аҳамияти бор. Грециянинг Афина шаҳрида жорий йилнинг июль ойида математика фанидан ўтказилган халқаро фан олимпиадасида 85 давлат вакиллари қаторида ўзбекистонлик ўқувчилардан 6 нафари қатнашиб, бронза медал билан қайтдилар.

10 кун давом этган ёзги мактабда ўқувчиларнинг олган билимларини синаб кўриш мақсадида кичик олимпиада ўтказилди. Олимпиада натижаларига кўра,

Бухоро, Хоразм, ҚҚР, Навоий вилоятлари ўқувчилари юқори натижаларга эришдилар.

Дам олиш пайтида театрлаштирилган сахна кўринишлари, турли спорт мусобақалари, халқаро олимпиада иштирокчилари билан учрашувлар ташкил этилди. Фанларни ўқитишдаги янгиликлар, ўзгаришлар хусусида Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси қошидаги методика маркази билан ҳамкорликда дарслик муаллифлари иштирокида семинар ўтказилди.

Ўтган йилги ёзги мактабда ўқувчиларга берилган топшириқлар ўқитувчилар томонидан текширилиб, натижалари якунланди. Ўқувчиларга ҳар бир фандан ўй вазифаси сифатида янги топшириқлар берилди.

Д.МАҲКАМОВА,
республика Таълим
маркази бўлим бошлиғи

ОБУНАЧИЛАРГА
СОВҒА

Мамлакатимиз ўқитувчиларининг сеvimли нашри ҳисобланган «Ma'rifat» газетаси обуначилари учун яна бир хушхабар. Ўзбекистон Республикаси «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси «Ma'rifat» газетасига август ойида обуна бўлган ҳар бир абонентга совға тариқасида (бир марта) китоблар тақдим қилишни маълум қилади. Шундай қилиб газетамга август ойида обуна бўлганлар «Бургут пат», «Пашшадан ясалган фил», «Маҳмуд паҳлавон» сингари бадиий адабиётларнинг бирига эга бўладилар. Китобларни обуна расмийлаштирилган почта ёки «Матбуот тарқатувчи» жамият шахобчаларидан олишингиз мумкин. Шошлинг, август ойида обуна бўлсангиз, йил давомида «Ma'rifat» газетасини мутотала қилиш билан бирга қизиқарли китобга ҳам эга бўласиз.

Истиклол, бунчалар гўзалдир номинг,
Нон каби эъзозли, жондек ширин бол...

Ер шари йўллади оташ саломин,
Ассалом! Ўзбегим, кутлуг истиклол.

Биз учун энг улуг, энг муқаддас, энг буюк байрамга
хам санокли кунлар қолди. Энг азиз кунни кўтаринки рух-
да кутиб олиш учун республикамизнинг турли ҳудудлари
ва гўшаларида, таълим масканларида катта тайёргарлик
кўрилмоқда. Хусусан, умумий ўрта таълим мактабларида
хам дастлабки машгулотлар "Истиклол дарси" билан
бошланади. "Истиклол дарси" бошқа машгулотлардан туб-
дан фарқ қилиши, баҳс-мунозара, мушоиралар уюшти-
рилган ҳолда ўтказилиши лозим. Токи, бу сабоқлар
боланинг ёдида узоқ қолсин, муҳрлансин.
Дарс Ўзбекистон мадҳиясини куйлаш билан бошлана-
ди. Биз куйида она тили дарсларида мустақиллик
сабоқларини ташкил этиш бўйича бир соатлик ишлан-
мани тавсия этамиз.

МАВЗУ: ИСТИҚЛОЛ ДАР- СИ

ДАРСНИНГ МАҚСАДИ:

Ўқувчилар қалбига истиклол, Ватан тушунчаларини сингди-
риш, уларни кўз қорачигидек асраш, эъзозлаш, Ватан ол-
дидаги бурчларини адо этиш-
га шай бўлиш каби фазилат-
ларни ўстиришдир.

ДАРСНИНГ ЖИҲОЗИ:

Мустақиллик акс этган фото-
расмлар, Ватанимизнинг се-
ркуёш осмони ҳамда кенг да-
лалари, боғлари, тоғлари акс
этган расмлар. Президенти-
мизнинг ёшлар даврасида
тушган расмли альбомлари.
Маънавиятимиз юлдузлари-
нинг расм ва китоблари
ҳамда бошқа жиҳозлар.

ДАРСНИНГ ШИОРИ: "Ва- танни севмоқ иймондандур". (Ҳадисдан)

Ўқитувчи:

"Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни" байрами ҳар йили халқимиз томонидан кенг нишон-
ланади. Давлатимиз бу қисқа тарихий давр мобайнида катта ва шонли йўлни босиб ўтди. Бу давр ичида мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий ҳаётида чуқур ўзгаришлар содир бўлди. Бу ютуқларнинг барчаси истиклолимиз, халқимизнинг саъй-ҳаракатлари туйғайли амалга ошяпти. Келинлар, биз ҳам бугунги дарси-
мизда Ватан, истиклол, ватанпарварлик ҳақидаги фикрларимизни ўртоқлашсак. Аввало, "Заковат" ўйинимизнинг куйидаги саволларига жавоб беринг:

1. Ўзбекистонда Президентилик лавозими қачон таъсис этилган? (Ўзбекистонда Президентилик лавозими 1990 йил 24 мартда таъсис этилди ва Ислоҳ Каримов биринчи Президент этиб сайланди.)

2. Ўзбекистонда Мустақиллик декларацияси қачон қабул қилинган? (1990 йил 20 июнда.)

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимиятининг тизими қандай? (Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти принципига асосланади.)

4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қачон қабул қилинган? (1992 йил 8 декабрда.)

5. Ўзбекистон Республикасида қайси тил Давлат тили ҳисобланади? (Давлат тили ўзбек тилидир. 1989 йил, 21 октябрда тасдиқланган.)

6. Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси қачон жорий этилган? (1994 йилнинг 1 июлидан.)

7. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби қачон тасдиқланган ва у нимани англатади? (1992 йил 2 июлда тасдиқланган. Гербимиз халқимизнинг тинчлик, яхши-

сида қанча олий ўқув юртлари мавжуд? (61 та.)

14. Ўзбекистон БМТга қачон қабул қилинган? (1992 йил 2 март.)

15. Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси биринчи қайси Европа мамлакатида очилди? (1994 йил 1 сентябрда Германиянинг Бонн шаҳрида очилди.)

16. Қайси хорижий давлат биринчи бўлиб Ўзбекистонда ўзининг элчихонасини очди? (1992 йил 16 мартда АҚШ ўзининг элчихонасини Тошкентда биринчилардан бўлиб очди.)

17. И.А.Каримовнинг қайси ташрифидан сўнг АҚШ ва Ўзбекистон давлатлари стратегик ҳамкор сифатида алоқа ўрнатди? (2002 йил 13 мартда 3 кунлик ташриф билан Президентимиз АҚШнинг Вашингтон, Нью-Йорк шаҳарларида бўлди, 6 та ҳужжат имзоланди.)

(Юқоридаги саволлар карточка қилиниб, ҳар бир ўқув-

тимизни бугунги даражага олиб чиққан, шону шуҳрати-
мизни дунёга намойиш этган ота-боболаримизнинг хоки-
пойлари ётибди. Шунинг учун ҳам уни "қиблагоҳ", "сажда-
гоҳ" деб атайдилар.

3. Ватанни севмоқ ундан шунчаки қувонмоқ, гурурланмоқ эмас, уни дил-дилдан англамоқ, у билан нафас олмақ, у билан яшамоқдир. Уни яшнатмоқ, обод этмоқ учун курашмоқдир.

4. Ватан — онанинг алласи таралган замин. Биринчи бор баҳорни таниган, илк бор варрак учирган, биринчи марта ҳайитлик олган жойинг, биринчи муҳаббатингни таниган макон — Ватандир!

5. Ҳар бир инсоннинг бахту камоли Ватан биландир. Ўз Ватани учун жонини фидо этишга тайёр турмоқ кишининг юксак ахлоқи ва чинакам фидойилигидан далолатдир.

Ўқитувчи: миллий тафаккурсиз комил маънавият ҳам,

ИСТИҚЛОЛ ДАРСИ

лик, бахт-саодат, фаровонлик йўлидаги орзу-умидларини ифодалайди.)

8. Ўзбекистон Республикасининг мадҳияси қачон тасдиқланган ва унинг муаллифлари кимлар? (1992 йил 10 декабрда тасдиқланган. Унинг сўзини шоир Абдулла Орипов ёзган, мусиқасини Мутал Бурҳонов басталаган.)

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қачон тасдиқланган ва уни тасвирлаб беринг? (1991 йил 18 ноябрда тасдиқланган. Мовий ранг тириклик акс этган мангу осмон ва оби-ҳаёт рамзидир. Оқ ранг — тинчлик рамзи. Яшил ранг — табиатнинг янгилиниши, қизил чизиқлар вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётини қудрат ирмоқларидир. Навқирон ярим ой тасвири тарих билан боғлиқ бўлиб, Мустақиллигимиз рамзидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғидаги 12 та юлдуз тасвири ҳам тарихий аънаналаримиз, қадимги қуёш йилномасига бевосита алоқадордир.)

10. Ўзбекистон қандай табиий бойликларга эга? (Давлатимизнинг ер остида амалда Менделеев даврий тизимининг барча элементлари бор. Масалан: мис, олтин, кумуш, рух, гранит, мрамор, уран, газ, нефть каби.)

11. Асака шаҳридаги "ЎзДЭУавто" автомобиль заводи қачон қурилган? (1996 йил 19 майда. Бу заводда "Тико", "Нексия", "Дамас", "Матиз", "Ласетти" автомобиллари ишлаб чиқарилади.)

12. Ўзбекистон ҳаво йўллари Миллий авиакомпанияси қачон тузилган? (1992 йил январда.)

13. Ўзбекистон Республика-

сига тарқатилиши, ечимини учун 3 дақиқа берилиши ҳам мумкин.)

Ўқитувчи: Эндиги саҳифа-
миз "Донишмандлик" деб аталади. Бунда сиз Ватан, ҳақидаги мақол, ҳикматли сўзлардан билганларингизни айтишингиз керак бўлади.

1. Булбул чаманни севар, одам Ватанни.

2. Ватан гадоси — кафан гадоси.

3. Ватанинг тинч — сен тинч.

4. Эли бақувватнинг — бели бақувват.

5. Она юрт — олтин бешик.

6. Ҳар бир ниҳол ўзига хос тупроқда илдиз отади.

7. Ватан учун қурбон бўлганларнинг хоки муқаддасдир.

8. Ўз уйинг — ўлан тўшагинг.

Ўқитувчи: Асқад Мухтор ёзади: "Сенда бир фикр бор, менда бир фикр бор, ўртоқлашсак ҳар биримизда икки-тадан фикр пайдо бўлади". Шундай экан, биз ҳам "Тафаккур гулшани" саҳифамизни куйидаги саволлар билан безадик.

Сиз ушбу саволларга айтилган мақоллардан хулоса чиқарган ҳолда ёндошинг. Нега Ватанни севадилар? Нега уни иймон каби муқаддас тутадилар? Нега барча гуноҳларни кечириш мумкин-у, Ватанга хиёнатни кечириб бўлмайди?

1. Ватан онадек танҳодир, ягонадир. Чунки у кўз очиб кўрган дунёемиздир. Биз вояга етган маъводир. Тоғ-тошдан ер-сувигача, сабза-ғиёҳдан дов-дарахтгача умримизга жон қадар пайванд.

2. Бу тупроқда бизни дунёга келтирган, ақлу маърифа-

Ватан озодлиги ва ободлиги-
га масъуллик ҳам, миллий гурур ҳам собит бўлолмайди.

Шоир "Эл нетиб топғай мениким, Мен ўзимни топмасам" деганди. Юртимиз ижодкорлари ўзлимизни англашимизда ўз асарлари билан қалб кўзларимизни очади. "Назм жавоҳирлари" саҳифамизда биз ана шундай асарларни эсга олишга ҳаракат қиламиз.

Алишер Навоийнинг ушбу машҳур рубойиси ҳам эрк, озодлик ҳақида.

Ғурбатда ғариб шодумон бўлмас эмиш,

Эл анга шафику меҳрибон бўлмас эмиш.

Олтин кафас ичра гар қизил гул бутса,

Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш.

Абдулла Ориповнинг "Мен нечун севаман Ўзбекистонни?" шеъри орқали кўп саволларга жавоб топгандай бўламиз.

Ватанлар, ватанлар

майли гулласин,

Боғ унсин мангулик

музда ҳам аммо,

Юртим, сени фақат

бойликларинг-чун

Севган фарзанд

бўлса кечирма асло!

Эркин Воҳидовнинг "Ўзбегим" қасидаси ҳам Ватан, истиклол, бахтли келажак ҳақида:

Давр зулмига ва лекин

Бир умр бош эгмадинг,

Сен — Муқанна,

сарбадор — сен,

Эрксевар қон, ўзбегим.

Орта қолди кўҳна тарих,

Орта қолди дард,

ситам.

Кетди ваҳминг,

битди захминг,

Топди дармон, ўзбегим.

Tavsiya

Халқимизда "Она юртинг — олтин бешигинг", деган пурмаъно нақл бор. Халқ баҳодирлари ҳам азиз юртинг ҳар бир қарич ери учун жон олиб, жон берадилар.

Масалан, Гўрўгли "Юртга душман кўз олайтса, Қараб турмас йигит марди", дейди.

Ўқитувчи: Сўнгги саҳифамизнинг шиори:

Яшасак бу дунёда, Ватан учун яшайлик!

Ватанни, истиклолимизни асраш учун қандай ёшлар бўлишимиз керак?

1-ўқувчи: Қўлга киритган истиклолимизни асраб-авайлашимиз, келажак авлодга озод, обод юртимизни гард юқтирмай топширишимиз керак. Бунинг учун Ватанга чинакам ватанпарварлар керак.

2-ўқувчи: Шу қисқа вақт ичида Ўзбекистонни жаҳон тан олди. Йирик давлатлар қаторидан ўрин олди. Халқимизнинг ўз тараққиёт йўлига, эришажак буюк келажакга ишончи мустаҳкам. Шу ишончни оқлайдиган зукко ёшлар керак.

3-ўқувчи: Йилдан-йилга бу кутлуг байрамнинг қадри, аҳамияти ортиб борапти. Озодлик туйғуси, Президентимиз даъватлари халқимиз қалбидан, руҳидан чуқур жой олмақда. Ватанга эътиқодли, илми, жонкуяр фидойилар керак.

4-ўқувчи: Ватанимиз сарҳадларини кўриқлайдиган Жалолиддин Мангубердидек қаҳрамонлар керак Ватанга.

5-ўқувчи: Шонли ўтмишга, буюк келажакка эга бўлган Ўзбекистон фарзанди эканлигимиздан, мард ва шижоатли Юртбошимиз борлигидан фахрланамиз.

6-ўқувчи: Президентимизга қанот бўлиб, буюк келажак деб аталмиш улуг'вор бино пойдеворига ғишт қўювчи ёшлар бўлиб етишишнинг ўзи бир бахт.

7-ўқувчи: Биз озодлик, истиклол йўлини танлаганмиз. Бу йўлдан бизни ҳеч нарса ва ҳеч ким қайтара олмайди.

(Ўқувчилар мустақил фикрлари, дарсдаги фаол иштироки ва топқирликлари учун баҳоланадилар. "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон" кўшигини тинглаб, уйга вазифани ёзиб олишади. "Мустақил Ўзбекистон — менинг Ватаним" мавзусида муфассал режа тузиб, иншо ёзиш топширилади.)

Ўқитувчи: Раҳмат. Келажак сиз ёшларнинг қўлингизда.

Юқоридаги гапларга амал қилиб, Ватанга бир умр фидойи бўлиб, Истиклолимизни асраб яшайлик! Дарҳақиқат, Ватанни севиш, унинг равнақи йўлида қайғуриш туйғуси қонига она сути, она алласи билан кирган халқни энгиб бўлармиди?! Асло!

Кумрихон СУЛТОНОВА,
РТМ Давлат тили бўлими
бош методисти

Муборак МИРЗАРАҲИМОВА,
Мирзо Улуғбек туманидаги
112-мактабнинг
она тили ва адабиёт фани
ўқитувчиси

ЖИЗЗАХ

АНИҚ ТАКЛИФЛАР
АСОСИДА

Зарбдор туманидаги "Бола-лар боғи"да ўқитувчиларнинг август кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашни ўтказиш учун "Болалар боғи"нинг танланиши тасодифий эмас. Аслида бу масканнинг барпо этилганига ўн йилдан ошди. Бироқ эътиборсизлик оқибатида бу боғ хароб ҳолга келиб қолган эди. Туман ҳокимлиги ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари туфайли боғ бутунлай қайтадан таъмирланди. Бола-лар учун кўнгличар аргум-чоклар, чироклар ўрнатилиб, сув келтирилди. Натижда бу боғ туманда нафақат болалар, балки катта-кичикнинг кўнгли-дам олиш масканига айланди. Энг муҳими, йил давомида болалар бу ерда бўш вақтларини мазмунли ўтказиш имко-нига эга бўлдилар. Шу кун "Бо-лалар боғи" чинакам байрамо-на тус олди. Мактабгача таълим, мактабдан ташқари таълим ва мактаб ҳаётини акс эттирувчи кўргазмалар, расмли ахборот бурчакларини кенгаш қатнаш-чилари қизиқиш билан томоша қилдилар. Намунали ва илғор таълим муассасалари иш таж-рибаси билан яқиндан таниш-дилар. Туман маданият бўлими санъаткорлари ва ўқувчилар то-монидан ижро этилган куй-қўшиқлар йиғилганларга чина-

кам байрамона кайфият улаш-ди. Кенгаш қатнашчилари ўзла-рининг учрашувларини шу та-риқа расмиятчиликдан ҳоли бир вазиятда ноанъанавий тарзда бошладилар.

АВГУСТ
БУ МУҲИМ ТАДБИР

2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Дав-лат умуммиллий дастурининг қабул қилиниши халқ таълими-ни янги поғонага кўтаришининг ёрқин уфқини белгилаб берди. Ана шу Давлат умуммиллий дастурига асосан, тумандаги мактабларнинг деярли барчаси турли кўринишда таъмирлана-ди. Жумладан, 1 та янги мак-таб қурилиши, 5 та мактаб ка-питал реконструкция қилиниши, 15 та мактаб капитал таъмир-ланиши ва 3 та мактаб жорий таъмирланиши режалаштирил-ган. Ана шу вазифаларни амал-га оширишнинг дастлабки қадамлари ташланди. Мактаб моддий-техник базасини мус-таҳкамлаш — таълимни ривож-лантиришнинг муҳим босқичи ҳисобланади. Шунга биноан, 2004-2005 ўқув йили учун 15,5 млн. сўмлик ўқув жиҳозлари мактабларга етказиб берилди. Туман халқ таълими бўлимига 3 дона компьютер келтирилди.

Кенгашда иштирок этган ту-ман ҳокими Ўскан Азимов ту-ман ҳокимлиги, ҳомийлар кўма-гида мактаб ва мактабгача таъ-лим муассасаларининг моддий-

техник базаси янада мустаҳкам-ланиши, илғор ўқитувчиларни рағбатлантириш йўлга қўйилган-лигини маълум қилди.

— Бугунги кенгашда маъру-за ва ҳисоботлар тингланмай-ди, — деди Зарбдор туман халқ таълими бўлими мудири Низом Усмонов. — Бизнинг ҳисоботи-миз ва қилинадиган ишларимиз бундан бир неча кун олдин ма-ҳаллий матбуотда эълон қилин-ган ва у ҳар бир мактабга етиб борган. Бу галги анжуманимиз Халқ таълими вазирлигининг "Халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашлари-га тайёргарликни ташкил этиш тўғрисида"ги буйруғи ва рес-публика таълим маркази тавсия-лари асосида интерфаол усул-да ўтмоқда. Шўъба йиғилишлар-и соҳа ходимларининг чина-кам изланиш, баҳс-мунозара мактабига айланди. Кувончли-си шундаки, ҳар бир шўъба ўз йиғилишларида кўпгина амалий таклифлар билан чиқди. Бу так-лиф, мулоҳаза ва танқидий фикрлар изчил ўрганилиб, уларни бажаришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди.

Кенгашда қайта-қайта таъкид-ланган муаммо ва таклифлар куйидагилардан иборат:

— таълим муассасаларида уз-луксиз методик хизматни яхши-лаш ва такомиллаштириш;

— ёшларни билимли, касб кўникмаларига эга, етук мада-ниятли, мафкуравий соғлом ва ватанпарвар қилиб тарбиялаш;

— умумтаълим мактабларида маркетинг тизимини жорий этиш ҳамда ички мониторинг хизматини назоратга олиш;

— фанлар олимпиадаси, кўрик-танловлар, спорт мусоба-қалари ва услубий синовлар ўтказиб бориш;

— ўқувчилар ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш, эркин фикр юритишига имкон яратиш.

Бир сўз билан айтганда, қилиниши лозим бўлган ишлар кўлами кенг. Таълим — муам-моли жараён. Бу муаммонинг ечими битта — ёшларга замон талаби даражасида билим бе-риш. Бу ҳар бир ўқитувчи ва мураббийни изланишга чорлай-ди.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
"Ma'rifat" муҳбири

НАВОИЙ

МАКТАБ
РАҲБАРЛАРИ
ФАОЛ БЎЛСА...

Навбахор туманида 28 та ўрта умумтаълим, 6 та умум-таълим, 2 та бошланғич ва 1е та мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатаяпти. Ҳар бир даргоҳнинг ўз ютуғи, ўз муаммоси бор. Лекин мак-таб аталмиш ошиённинг му-ваффақияти ҳам, дарди ҳам жамиятнинг равнақи, юртнинг эрталарига дахлдорлиги нуқ-таи назаридан қарасак, халқ таълими тизимидаги бугунги ҳолатга кенг жамоатчилик-нинг масъул ва жавобгарлиги янада ойдинлаша боради. Кейинги йилларда бу талаб мутасадди ташкилотлар наза-рида эканини алоҳида эъти-роф этмоқ зарур. Бу эътибор Навбахор туманида қай дара-жада эканлиги далилларда ҳам ўз аксини топмоқда:

2004 йил Алишер Навоий номидаги мактабда 300 ўрин-ли, Ал-Хоразмий номидаги мактабда эса 150 ўринли кўшимча синф хоналари қурилди. Қ.Ниёзий номидаги мактабда 9 миллион 968 минг сўмлик иссиқлик системаси-ни таъмирлаш, Чўлпон номи-даги мактабда 6 миллион 775 минг сўмлик таъмирлаш иш-лари бажарилди. 21, 29, 33-мактаблар газлаштирилди. 4, 8, 15, 16, 19-мактабларга тоза ичимлик суви келтирил-ди... Бу каби қайдларни узоқ давом эттириш мумкин. Ту-ман халқ таълими ходимла-рининг анъанавий август ан-жуманида таълимнинг сифат ва самарадорлиги жараёнида учраётган муаммолар атрофи-да ҳам фикр юритилди.

— Тадбирнинг дадил фикр-лар ва ошкоралик руҳида ўтганлиги мени жуда суюн-тирди, — деди туман ҳокими М.Раҳматов. —Айни пайтда таълимнинг бевосита мазму-нини яхшилашга халақит бе-раётган, аммо олдини олиш мумкин бўлган кўпгина қусур-лар шу анжуман давомида очилди. Мен ҳокимлик вако-лати даражасидаги бу каби масалаларни ўзимга қайд этиб олдим. Истардимки, мактаб раҳбарлари янада фаолроқ, жонқуярроқ бўлишса. Шундай қилайликки, ўқитувчининг "дарди" фақат болаларга му-камал билим бериш бўлиб қолсин...

Вилоятнинг бошқа туман-ларида ҳам бўлиб ўтадиган август анжуманлари ана шун-дай соҳадаги кенг таҳлиллар, мавжуд камчиликларни бар-тараф этиш йўлидаги амал-оширилиши лозим бўлган ва-зифаларни ўртоқлашиш руҳи-да бўлиши учун ҳозирлик кўрилмоқда.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
"Ma'rifat" муҳбири

БУХОРО

ШЎЪБА ЙИГИЛИШЛАРИДАГИ
ҚИЗГИН МУНОЗАРЛАР

Бухоро тумани марказидаги 1-умумтаълим мактаби байрамона кўриниш олиб, август анжумани шўъба иш-лари қатнашчиларини ўз бағрига олди.

— Халқимизда шундай урф-одат бор. Мەҳмон кутган хонадон аввало саранжом-саришталикка эътибор қара-тиб, ўзгача тараддуд кўради, — дейди мазкур мактаб директори Хадича Ҳақимова. — Шу маънода педагогик жамоамиз мезбон сифатида, қолаверса, илм даргоҳи-ни янги ўқув йилига ҳозирлашда ўзгача бир тайёргар-лик чора-тадбирларини амалга оширишди.

Дарҳақиқат, август анжумани шўъба йиғилишлари қат-нашчилари даставвал мазкур мактабнинг янги ўқув йи-лига тайёрланганлик ҳолати, куз-қиш мавсуми олди-дан амалга оширилган ҳозирлик ишлари ҳамда жорий таъмирни ташкиллаштириш бўйича тажрибалари билан яқиндан танишдилар. Ўзаро фикр-мулоҳаза алмашди-лар.

29 та шўъба машғулотида туман таълим муасса-саларидан 1500 нафардан зиёд ўқитувчи ва тарбиячи-лар иштирок этди. Диққатга сазовор томони шундаки, шўъба ишлари интерфаол усулларда ташкил этилди. Тренинглр, давра суҳбатлари ўтказилди. Ҳар бир шўъбада методик тавсиялар ишлаб чиқилиб, ўқитувчи ва тарбиячиларга 70 дан зиёд услубий тавсияномалар берилди. Давра суҳбатларида ўқитувчилар томонидан кўтарилган "Ўқитувчилар билимини баҳолашнинг рей-тинг усули афзалликлари ва мушкулликлари", фанлар-га қизиқтириш йўллари ҳамда мактабни ўқувчига яқин-лаштириш каби муаммолар қизиқарли баҳс-мунозара-ларга сабаб бўлди.

Туман ХТБ август кенгашларининг якуний ялпи йи-гилишини ҳам сўлим, соя-салқин гўшада байрамона тарзда ўтказишни режалаштирган. Унда илғор, тажри-бали, ижодкор муаллимлар, мактаблардан сайланган вакиллар, ҳомийлар, маҳалла фаоллари иштироки кўзда тутилган. ХТБ томонидан рейтинг кўрсаткичлари энг илғор бўлган мактаблар ва фаол педагоглар тақдирла-ниши режалаштирилган.

Вобкент туманида ҳам анъанавий август кенгашла-рининг юқори савияда ўтишини таъминлашга алоҳида диққат-эътибор қаратилди. 17-19 август кунлари 1-, 23-мактаблар базасида 39 та фан шўъбаси иш олиб бор-ди. Шўъба ишларига 2231 нафар ўқитувчидан 2203 на-фари жалб этилди. Семинар-тренинг тарзида ўтган ма-шғулотларда ўқитиш методлари, турлари, салбий ҳамда ижобий жиҳатлар, педагогика ва андрогогика таълимо-ти, август кенгашларидан кўзда тутилган мақсад, ютуқ ва муаммолар атрофлича муҳокама этилди.

Шўъба ишларида янги ўқув йилидаги вазифалар бел-гилаб олиниб, иш режалари тасдиқланди. Тегишли ус-лубий маслаҳатлар берилди.

Азим ҚОДИРОВ



тажрибалари, фанларни ўқитишдаги муаммолар, ўқувчиларни касбга йўналтириш каби долзарб вазифалар атроф-лича муҳокама қилинди. Шунингдек, таълим соҳасида юз бераётган янгиликлар таҳлили ҳам ушбу анжуман кун тартибидан жой олди.

— Ҳар йили анъана-вий август кенгашла-рининг ўтказилиши биз ўқитувчилар учун муҳим воқеага айла-ниб қолган. Чунки ушбу кенгашларда биз ўқитувчи-педагоглар ўз фикр ва мулоҳаза-ларимизни бошқа кас-бдошларимиз билан ўртоқлашамиз, — дей-ди Янгийўл шахридаги 16-мактаб математи-ка фани ўқитувчиси, Шухрат медали соҳиба-си Маҳфуза Мирзакалонова. — Ушбу анжу-манларнинг янги ўқув йили олдидан бўлиб

ўтиши янгиликларни дарс давомида ўқувчиларимизга етказиш имко-нини беради.

Шунингдек, йиғи-лишда ҳукумат қарорлари ва фар-монларидан келиб чиққан ҳолда Халқ таълимини ривож-лантиришга бўлган ғамхўрлик ва эъти-бор катта эканлиги ҳам алоҳида таъ-кидланди.

Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар



КЕНГАШЛАРИ: ЖОЙЛАРДА ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛМОҚДА?

ТОШКЕНТ

МУЛОҚОТЛАР ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТДИ

Мактабда асосий ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан бири — педагогик жамоаларда пайдо бўладиган эмоционал муаммоларни аниқлаш ва ечиш йўллари ишлаб чиқишдир. Ҳамза туманидаги 307-мактабда бўлиб ўтган ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашлари шўба йиғилишларида “Магрис” жамияти тренерлари “Педагогик жамоаларда психологик муаммоларнинг ечими самарадорлиги” мавзусини семинар-тренинг шаклида ҳал қилишга ҳаракат қилдилар. 4 та шўбада ўтган тренинг машғулотларида мулоқот ва бошқаришда келиб чиққан низоаларни ҳал этишда бошқарувчининг вазифалари белгилаб олинди.

Ҳамза ТХТ ходимларининг ялпи йиғилиши олдида эса ўқувчилар ижодиёт маркази, МТМ, туман кўшимча таълим мажмуаси ҳамда бадиий тўғараклар ишларидан тайёрланган кўргазма намойиш қилинди. Йиғилиш иштирокчилари “Ҳамза тумани бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 414-сонли қарорининг бажарилиши юзасидан маълумот”, “Мактабларнинг дарсликлар билан таъминланиши”, “Тумандаги фан олимпиадалари мониторинги” каби маълумотлардан воқиф бўлиши, тажрибаси оммалашаётган ўқувчиларнинг иш усуллари, дарс ишланмалари, байрам ва тадбир сценарийлари билан танишдилар.

Ялпи йиғилишда РТМ, Тошкент ШХТББ, ПХҚТМОИ, Ҳамза тумани ҳокимияти вакиллари, мактаб раҳбарлари, МТМ мудирлари, фахрий устозлар, ёш мутахассислар иштирок этишди.

Ялпи йиғилишдан сўнг анжуман иштирокчиларининг айримларини суҳбатга чорладик.

Собир Мамадалиев, Ҳамза ТХТБ мудир:

— 2004 йил сентябрь ойдан бошлаб ўз устида ишлаб, ўз фанларидан юқори самарадорликка эришган устозларимизга кўшимча устама ҳақлари тўланиши қувончли ҳолдир. Самарадорликка эришиш эса малака ошириш билан боғлиқ. ХТБ ташаббуси билан Дания ўқитувчилари тузган “Ўқитувчилар тинчлик тарафдори” дунёвий ҳаракати асосида 307-мактаб ўқитувчилари тажриба алмашмоқдалар. Бу мактаб ташаббуси билан Бонн шаҳридан келган ўқитувчилар 6—16 март кунлари тумандаги инглиз тили ўқитувчиларига очик дарс ва семинарлар уюштирди. ЮНИСЕФ томонидан ўтказилган “Қадам-бақадам” дастури бўйича 145-мактабда иккита синф очилди.

Гулнора Хабирхорова, 30-мехрибонлик уйи директори:

— Бизда 172 нафар етим ва отоналар васийлигисиз қолган турли миллат вакиллари тарбияланмоқда. Битирувчи-тарбияланувчиларимиз Чилонзор туманидаги Матбаа коллежиде ўқишни давом эттиридилар. Улар ётоқхона, стипендия, 80 фоиз ойлик иш ҳақининг пули билан таъминландилар. Туман ҳокимияти то-

монидан тарбияланувчиларимиздан Т.Столярова, К.Мулина, Д.Маленькихларга бир хонали квартиралар берилиши, “Агротаъминот” корхонаси, “Авиасозлар”, “Паркент” очик турдаги АЖ раҳбарлари, туман прокуратураси, ИИБ профилактик нозирлари эътибори, саховатидан миннатдоримиз.

Наргиза Мирҳабибова, 155-мактаб муаллимаси:

— Сармомдн ташқари маблағ топиш ҳақидаги 414-сонли қарорни амалга оширишда 145, 307-мактаблар, футбол интернатида олиб борилаётган ишларга ҳавасим келди. Айниқса, туманда “Ташаббускор гуруҳ” иш бошлагани биз учун янгилик бўлди. Маблағ топиш ва шу асосда мактабни ривожлантириш учун айрим мактабларда йўлга қўйилган ишлар ибратлидир. Жумладан, 230, 231-мактаблар гул ва кўзиқорин етиштириш; техника лицейи спорт кийимларини, 151-мактаб форма, 216-мактаб дарпардалар тикиш; 244, 307-мактаблар олий ўқув юртларига ўқувчиларни тайёрлаш; 282-мактаб байрамларни ўтказиш, 161-мактаб “Дебат клуби” театр студияси, 46-кечки мактаб эса шиорлар ёзиш, кўргазмалар тайёрлаб беришни ўз зиммаларига олганлари, шу орқали маблағ топишларидан биз ҳам ўрناق олмақчимиз.

Саида Орипова, 216-мактабнинг биология ўқитувчиси:

— Бу йил мен учун қувончлар йили бўлаётир. Ўқувчим Дилфуза Иноятова 1-ТДТИга 188,5 балл тўплаб ўқишга кирди ва юзимни ёруғ қилди. Энг

муҳими, маошимиз ошганидан, меҳнатимиз юқори баҳоланганидан хурсанд бўлдик. Президентимизнинг ўқитувчиларга алоҳида эътибор билан қараётгани, бир қатор қарорлар қабул қилиниб, босқичма-босқич амалга оширилаётгани бизларга янада масъулият юкламоқда.

Нигора Аҳмедова, 303-МТМ мудираси:

— Бугунги анжумандан мустақил молиялаш тизимига ўтиш, “Учинчи минг йилликнинг боласи” дастурини методик тавсиялар асосида чуқур ўзлаштириш, замонавий педтехнологияни қўллаш, ҳар хил чинқириш тадбирлари орқали болалар соғлигини мустаҳкамлаш каби вазифаларни бажариш зарур, деган хулосага келдим. 147-МТМда “Болаларда шахсий ва оғиз бўшлиғи гигиенасига амал қилиш малакаларини шакллантириш” борасида олиб борилаётган ишларни биз ҳам амалга ошираимиз. Зеро, етук шахсни камол топтиришда саломатлик биринчи ўринда туради.

Анжуман якунида илғор ўқитувчилар ва фахрий устозларга туман ҳокимияти, ШХТББ, ТХТБларининг Фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалари топширилди; 282-мактаб ўқувчилари ижросидаги куй ва кўшиқлар тинланди. Ёш мутахассисларга Фотима Мирбобоева оқ йўл тилаб, “Ёш ўқитувчига маслаҳатлар” китобчасини тақдим этди. Ўз навбатида В.Қодиров, М.Маҳмудовлар фахрийлар ишончини оқлашга сўз бердилар.

Маҳмуда ВАЛИЕВА, “Ma'rifat” мухбири

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ:

МУСИҚИЙ ТАЪЛИМДА ТУБ БУРИЛИШ

Мактабгача таълим муассасалари мусиқа раҳбарларининг Тошкент шаҳри миқёсидаги август кенгаши шўба йиғилишлари Шайхонтохур туманидаги 197-МТМда бўлиб ўтди. Кенгаш 7 та шўбага бўлинган ҳолда иш олиб борди. Биламизки, мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган Давлат талабларида болаларни етук қилиб тарбиялашда 3 та

ладан, тўғараклар ишини жонлантириш, байрам эрталикларини тайёрлаш бўйича янги иш услубига эга тажрибалар кўриб чиқилди.

... Парда ортида кўлига лола

лар орқали машғулот олиб бориш технологияси муҳокама қилинди.

МТМда миллий мусиқашуносликни ривожлантириш шўба ишига кирамиз. Қизалоқлар ва болажонлар “Қаро кўзим”ни мақом йўналишида миллий кийимларда ижро этишяпти. “Катта ашула уларга оғирлик қилмайдими”, дейишингиз мумкин. Тренинг гуруҳлари тақдимотидан аниқ бўлдики содда ва аниқ техника ўргатилганда бола учун ҳеч нарса қийин бўлмайди. Айниқса мақом, алла, лапар, дуэт кабиларни ўрганганда болаларда миллийликни ҳис қилиш кучаяди. Шунинг учун барча туманларнинг халқ оғзаки ижоди — фольклор билан ишлашдаги янги ёндашувларнинг ҳар бири кенгаш тавсиясига киритилди. Шу қатори миллий халқ ўйинларини ўргатиш, термалар, ўзбек халқ рақс элементларини ўзлаштириш, ҳар бир вилоят мусиқий элементларини йиғиш бўйича ҳар бир туман топган-тутганини ўртага ташлади. Олайлик “Аробажон — ароба” деб номланган Бухоро, Хоразм, Сурхондарё вилоятлари халқ оғзаки ижоди намуналари тўпланган тавсиянома илк иш сифатида қабул қилинди. Ана шуларга биноан мусиқий таълим бўйича ўқув режанинг ин-

теграцион ишланмаси ишлаб чиқилди. Эришилган натижалар тилга олинганида Яқкасарой туманидан келган Ақида Азимова шундай деди:

— Сўнгги ўн йилликда мактабгача таълим мусиқий йўналишида ишлашда туб бурилиш ясалди. Чунки, аввал ўзбек гуруҳларида ҳам ҳаттоки биттагина бўлсада миллий мусиқа ёки кўшиқ ўргатилмасди. Ҳаракатлар ҳам шунга мос эди. Эндиликда мусиқада дидактика ҳам бор, миллийлик ҳам бор, чолғу асбоблари билан ишлаш ҳам, ривожлантириш ҳам, жисмоний ҳаракат ва кўғирчоқ театригача бор. Бугун биз бу йўналишларини барча МТМларда тенг ёйишга келишиб олдик.

Кенгаш иши якунида муаммолар тилга олинди. Мусиқий йўналишдаги метод бирлашмалар ишини жонлантириш, миллий чолғу асбоблари тўпламлари сонини кўпайтириш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш кераклиги таъкидланди. Шаҳар бўйича М.Улуғбек, Яқкасарой, Шайхонтохур

ва Юнусобод туманларидан бошқа бирорта туман мусиқа раҳбарларининг ишлари оммалаштирилмаган. Шунингдек, Юнусобод туманида “Олтин хумо”,



асосий йўналишдан бири уларнинг маънавий-маданий етуқлигидир. Шунинг назардан қочирмай иштирокчилар “Гўзалликни севган инсон ёмонлик қилишга қодир эмас” шиори остида йилга якун ясаб, келгуси иш режаларига ибтидо ҳозирлади.

Боғчада мусиқий саводхонликни ошириш ўта қизиқарли ва мураккаб жараён. Шу сабаб кенгаш янгиликларидеги жозибадан қабул қилинди. Жум-

шаклидаги қўлқоп кийган бола мусиқага мос қўлларини ҳаракат қилдирди, кейин капалак, кейин дарахт, кейин шамол... Бу ҳаракатларнинг бола қўл моторикасини ривожлантиришдаги аҳамиятини Миробод тумани вакили Ҳафиза Обидова илмий-амалий ҳимоя қилди. Мусиқавий таълим беришда янги иш кўринишларидан фойдаланиш шўбасида мусиқий дидактик ва мусиқий лабиринт-



“Ўзбекистон — Ватаним маним” кўшиқ байрамлари ўтказилади. Бошқа туманларда ҳам шундай тадбирларни йўлга қўйишнинг аҳамияти катта. Кадрлар салоҳиятини тиклашда эса таклифлар сўровномалар орқали аниқланди. Хуллас, кенгаш мақсади юқори савиядаги баҳс-мунозараларда намоён бўлди.

Насиба ЭРХОНОВА, “Ma'rifat” мухбири

ДИЛЛАРГА СОЛДИ ЁҒДУ ИСТИҚЛОЛ!

Мустақиллик байрамига тайёргарлик жараёнида ота-оналар қўмитаси ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда болалар билан саёҳат уюштириш (шаҳар, қишлоқ); саёҳат таассуротлари остида Ватаним-менинг тасавурида» деб номланган кўргазма ташкил қилиш (болаларнинг саёҳатда олган таассуротлари юзасидан чизган расмлари кўргазмаси); бувибувалар, ота-оналар, тарбиячилар иштирокида «Менинг оилам — менинг Ватаним» деб номланган байрам кечасини ташкил этиш (кечада Ўзбекистоннинг тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, миллий қахрамонларини билиш юзасидан мусобақалар ўтказилади); муассаса тарбиячи ва тайёрлов гуруҳ болалари қўшни муассаса тарбиячи ва болалари билан «Қувноқлар ва зукколар» ўйинини ташкил қилиши (Ўзбекистон тарихи, бойликлари, рамзлари, қахрамонлари юзасидан савол-жавоблар) мақсадга мувофиқдир. Ушбу тадбирларга ҳар бир МТМ ўз шароитидан келиб чиққан ҳолда ижодий ёндашиши мумкин.

Мустақиллик байрамининг кўтаринки руҳда ўтказилиши ҳар бир бола қалбига ватанпарварлик руҳини сингдиради. Бунда ўтказилаётган машғулотларнинг қай даражада кенг қамровли эканлиги аҳамиятга эга. Шунинг учун «Она юртим Ўзбекистон» мавзусида тайёрлов гуруҳи учун намунавий мужассам машғулот намунасини эътиборингизга ҳавола қилишни мақсад қилдик. Ўйлаймизки, у тарбиячининг ижодий ишида кўл келади.

Машғулот мақсади: Болаларнинг Ўзбекистон Республикаси, халқ, миллат, юрт ҳақидаги, 1 сентябрь Мустақиллик байрами эканлиги ҳақидаги, давлат герби, байроғи, мадҳияси, Президенти ҳақидаги тасавурларини бойитиш. Болаларда саломлашиш, танишиш, меҳмон кутиш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Машғулотга тайёргарлик: Хонага Ўзбекистон Республикаси байроғи, герби, Президент сурати қўйилган.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: — Болалар, мен бугун ҳовлида бу бола билан учрашиб қолдим. У сизлар билан танишиб, дўст бўлмоқчи экан, боғчада қандай ишлар билан машғул эканлигингизни кўргани келибди. Болалар у билан танишинглар, у Бухоро вилоятидан меҳмонга келган. У бизга ўзининг вилояти ҳақида сўзлаб беради (бола ўзи билан Бухоро вилоятининг диққатга сазовор бўлган жойлари расмларини кўрсатиб, сўзлаб беради).

Тарбиячи: — Ана, болаларимиз билан

Мақтабгача таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш ҳақида

ТАВСИЯЛАР

Юртимизда яшайдиган барча халқлар Мустақиллик байрамини зўр қувонч, катта иштиёқ ва тайёргарлик билан нишонлашга ҳаракат қиладилар. Ёшу қари, катта-кичик ўзлари яшаётган маҳаллаларни, ишлаётган корхоналарни тозалаб, тартибга солиб байрам рамзлари, безаклар билан безайдилар.

Мақтабгача таълим муассасаларида ҳам байрамга тайёргарлик ўзгача бир иштиёқ, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, садоқат руҳида олиб борилади. Байрамга тайёргарлик кўришдан аввал боғча, ота-оналар қўмитаси, касабга уюшмаси, маҳалла фаоллари ва фаол тарбиячилар билан ҳамкорликда тадбирлар режаси тузиб чиқилади.

Қуйида байрамга тайёргарлик ва уни нишонлаш борасида тузилган тадбирлар ва машғулот намунаси илова қилинади.

ҳам танишиб олдинг. Кўрдингми, болаларимиз юртимизнинг туғилган кунини нишонлашга тайёргарлик кўришяпти.

Биз ҳаммамиз ер юзиде яшаймиз. Ер юзи давлатларга бўлинган, бу давлатларнинг ўз рамзлари, миллий урф-одатлари, миллий бойликлари бор. Бу давлатларда ҳам бизга ўхшаш одамлар яшайди, улар ҳар хил миллат эгалари. Ҳар бир болажон ўз давлатини, она-юртини, туғилган жойини ўзи учун муқаддас деб билади, унинг тинчлиги, тотувлиги учун жонини ҳам фидо қилишга тайёр туради.

Биз Ўзбекистон Республикасида яшаймиз, бизнинг Республикамиз мустақилдир. Болалар қани айтишлар-чи, Ўзбекистон Республикаси қачон мустақилликка эришган?

Болалар жавоблари.

Тарбиячи: — Мустақиллик ўзи нима экан?

Болалар: — Мустақиллик бу Ўзбекистон Республикаси халқининг ўз тақдирини ўзи мустақил ҳал қилиши ва ўз табиий бойликларидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишидир.

Тарбиячи байроқ, герб расмини кўрсатиб, болалардан уларнинг маъноларини ҳақида гапириб беришни сўрайди.

Болалар навбат билан байроқ, герб ҳақида гапириб берадилар (тарбиячи уларнинг жавобларини эшитиб, зарур вақтда ёрдам бериб боради). Болалар герб ва байроқ ҳақида шеърларни ёддан айтиб берадилар.

Тарбиячи: — Болалар ҳар бир давлат-

нинг ўз Президенти бўлади, сиз буни жуда яхши биласиз. Бизнинг Президентимиз исми-шарифларини айтиб беринг-чи?

Болалар жавоб берадилар.

Тарбиячи: — Президентимиз Ўзбекистон халқи томонидан сайланган. Президентимиз, сиз болажонларни тинч-тотув яшашингиз, замонвий мактабларда билим олишингиз учун жон куйдириб меҳнат қиладилар. Сиз ўзингизнинг одобингиз, хулқингиз, аъло ўқишга ҳаракат қилишингиз билан ўз она юртингизга муносиб ўғил-қиз бўлиб етишишга ҳаракат қилишингиз керак.

Энди болалар, сиз бизга келажакда қандай касб эгаси бўлишингиз ва Она-Ватанимизга қандай фойда келтира олишингиз ҳақида гапириб берсангиз.

Болалар навбат билан гапирадилар (тарбиячи уларнинг жавобларини тўлдириб боради).

Тарбиячи: — Болалар олдингизда қоғоз, бўёқ турибди, ҳозир Республикамиз байроғини чизамиз. (Тарбиячи машғулот давомида болалар ишини кузатиб, ёрдам бериб боради).

Машғулотнинг якунида болалардан яна байроқдаги ҳар бир рангнинг маъносини тушунтириб беришларини сўрайди.

Келган меҳмон ҳам болалар билан бирга байроқ расмини чизади.

Тарбиячи: — (меҳмон болага қараб) Кўрдингми, болаларимиз она юртимизни жуда севишади, унинг рамзларини яхши билишади.

Эртага вақтинг бўлса кел, биз ҳаммамиз ота-оналаримиз билан бирга Марказга (қишлоқ, шаҳар) байрамга тайёргарликни кўргани борамиз.

Шундан сўнг байрам нишонланадиган залга ўтилади. Марказий деворда Ўзбекистон Республикасининг харитаси, хаританинг ўнг томонида Ўзбекистон герби ва байроғи. Хаританинг чап томони эса карнай-сурнай чалаётган, рақсга тушаётган, байроқ, шар кўтариб турган болалар расми билан безатилган.

Магнит лентасига ёзилган карнай-сурнай садолари остида болалар қўллариде шар ва рангли байроқчалар, қизлар эса гуллар ушлаб, мусиқа залига ўйнаб кирадилар ва белгиланган жойга бориб ўтирадилар.

Бошловчи:

Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар, жажжи болажонлар! Бугун биз бу ерга Мустақиллик байрамини нишонлашга тўпландик. Мустақиллигимиз 13 ёшга тўлди. Ҳаммангизни ушбу байрам билан чин қалбимдан табриклайман.

1-бола: Кулди асрлик орзу — Истиқлол!

2-бола: Кўксимиз қилди осмон Истиқлол!

Янги бахт, янги даврон Истиқлол!

3-бола: Бут қилди юрт нонини Истиқлол!

Бахти Ўзбекистоннинг — Истиқлол!
Ўғил-қизлар «Биз болалар» ва «Ўзбекистон гулзор» мусиқаларига рақс тушишади.

Гуллар билан машқ бажариб, сўнг белгиланган жойларига бориб ўтирадилар.

Бошловчи: — Ўзбекистон мустақилликка эришганига 13 йил тўлди. Шу йиллар давомида юртимиз жуда катта ютуқларга эришди. Ҳозирги кунда бутун дунё халқлари бизнинг Республикамизга ҳавас билан қарамоқдалар. Чунки Ўзбекистон-буюк давлат. Буюк давлатнинг келажаги сиздек соғлом, ёш авлоднинг қўлида.

Тарбияланувчилар Мустақиллик ҳақида ёддан шеърлар айтишади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Бошловчи: — Хурматли болажонлар, байрамимиз тантаналари сизларнинг шундай шўх кулгуларингиз остида бутун республикамиз бўйлаб давом этади. Сиз Ватанимизнинг ёрқин келажасиз. Доимо хур Ватанимизнинг тинч ва фаровон қўйнида баркамол бўлиб улғайинг!

Мақтабгача таълим муассасалари раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув-методика маркази.

Kuzatuv

Умуман, факультетнинг 2004 йил май ойидаги илмий кенгашига берилган ҳисоботида Мустақиллик дарси юзасидан беш талаба «аъло», ўттиз беш нафар талаба «яхши» баҳо олганлар. Бу эса фахр билан айтишга арзиғулик натижадир. «Аъло» баҳо олганларнинг иншоси университет танловига ҳавола этилди.

Дарвоқе, талаба ва ўқувчиларнинг фикрларида ҳаётий ҳақиқат мужассам. Ёшлар мустақиллик деган олиёғаматни шунчалик теран тушунишар экан, улар келгусида юрт истиқболини ўйлаб, бунинг учун қўлидан келадиган хизматини аямаслигига ишонамиз.

Муродулла ОЛТИБОЕВ,
Қарши давлат университети
физика-математика
факультети
декани муовини,
Мархабо ОЛТИБОЕВА,
Қарши туманидаги
27-ўрта мактаб ўқитувчиси

Миллат учун энг асосий, энг муҳим, устувор ва тенгсиз олиёғамат—Мустақилликнинг ўн уч йиллиги арафасидамиз. Уни асраб-авайлаш, умрбод ҳимоя қилиш ва мустақамлаш мақсадида ҳар ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг махсус буйруғига асосан, «Мустақиллик дарслари» бўлиб ўтади. Жумладан, вазирлиқнинг ушбу буйруғига мувофиқ, Қарши давлат университетида ҳам мустақиллик сабоқлари олиб борилади. Жумладан, ўтган ўқув йилида физика-математика факультетининг 120 нафар биринчи курс талабалари, Қарши туманидаги Бобур номи 27-ўрта мактаб ўқувчилари ҳам шундай машғулотларнинг иштирокчилари бўлишди.

Бунда, Президент Ислоҳ Каримовнинг «Биздан озода ва обод Ватан қолсин», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Янги фикрлар ва ишлаш — давр талаби», «Ватан озодлиги — олиёғамат», «Янгиликлар ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди», «Ватан туйғуси», «Танланган йўл — демократик

ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли — демократик дунё билан ҳамкорлик йўли» номли йигирмадан ортиқроқ асарларида кўтарилган масалаларга кўпроқ эътибор қаратилди.

Ўтказилган ўн соатдан ортиқ машғулотлар якуни бўйича университет илмий ҳамда мак-

Аҳмедова, Комила Ботирова-ларнинг «Ватан—миллат бешиги», «Мустақилликка менинг ҳиссам» каби иншолари туман кўрик-танлови ғолиблари деб тан олинди.

Қарши давлат университети физика-математика факультети 14-гуруҳ талабаси Гулзора Абдуллаеванинг «Ватан—мил-

тарихидан беҳабар одамлар ўзлари яшаган тупроқ қадрига етмайдилар, уни топтайдилар, ўзларига ёнма-ён яшаган халқларга тиг кўтарадилар».

Яна шу гуруҳ талабаси Шаҳноза Зиёдованинг иншосидаги «Инсон истаган жойда бир парча нонга қорнини тўйғазини мумкин, лекин Ватаннинг ўрни-

МУШТАРАК ФИКРЛАР

таб педагогик кенгашлари қарорига асосан, етита танланган мавзу бўйича ёзма иш (иншо, реферат)лар ёзилди. 27-ўрта мактабнинг XI «а» синф ўқувчиси Дилшод Жўраевнинг «Биз замоннинг фидойиларимиз» номли иншосининг 2-бетида «Биз Ўзбекистон ёшлари терроризм ва диний экстремизмга — «сохта исломчилар»га қаршимиз!» деган фикрларини ўқидик.

Яна шу синф ўқувчиларидан Надежда Рустамова, Дилдора

лат бешиги» номли иншосида шундай сўзлар бор: «Ватан она каби ягонадир, ягоналиги билан бебаҳо ва беқиёсдир! Ватансизликдан ортиқ гурбат ва фалокат бўлмас керак. Бугун истиқлолимиз ибтидосида Ўзбекистон фарзандлари учун ватан келажаги деб заҳмат чекмоқдан, шу мақсад йўлида жон фидойилик қилмоқдан ортиқ шараф йўқ!...», «Ватан озода ва иймонли инсонлар уйдир. Иймонсизларнинг эса ватани бўлмайди, тарихи бўлмайди. Ўз

ни ҳеч нарса босолмайди. Ватанда яшаш ҳақиқий бахтир!» деган сатрлар ҳар қандай кишининг кайфиятини кўтариб юборади.

Шунингдек, Озод Хўжамуродов, Севара Қаландарова, Олим Холиқов, Шаҳноза Нафасова, Дилафрўз Пўлатова, Баҳром Ҳолбўтаев каби талабалар ҳам ўз иншоларида ижтимоий фикрларни ўртага ташлаб, мустақиллик туфайли мамлакатимизда сифат жиҳатдан ютуқлар юз бераётганлигини қаламга олганлар.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРНИ КУТМОҚДА

Шинам, ёруғ ва иссиқ синфхоналарда, турли кўргазмали куроллар, ўқув техникалари воситасида билим олиш кулай, албатта. Ўқувчилар учун ана шу қулайликни яратишга ҳар бир мактаб маъмурияти доимо интилади. Ҳар бир ўқув йили тугаши билан таъмирлаш ишлари бошлаб юборилишининг боиси ҳам шундан.

Ҳадемай, ёзги таътил кунлари тугаб, ўқувчилар яна кадрдон мактаблари кучоғига қайтишади. Хўш, уларни кутиб олишга, янги ўқув йилини бошлашга илм масканлари шайми? Бунинг учун қандай ишлар амалга оширилди? Шу каби қатор саволларга жавоб топиш мақсадида Ҳамза туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабида бўлди.

Дастлаб мактаб директори Раим Абдураи-

мов бизни таъмирдан чиқарилган мактаб биноси, фан хоналари, спорт зали ва бошқа хоналар билан таништирди.

— Юртбошимизнинг “2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги Фармони

Taraddud

биз таълим ходимларини жуда қувонтирди. Жумладан, мактабимиз салкам 70 йил аввал фойдаланишга топширилганлиги ҳисобга олиниб, 2004—2009 йиллардаги капитал таъмирлаш режасига киритилди. Бу йилги жорий таъмирлаш ишлари эса, кўриб турганингиздек, яқунланиб, ҳамма хоналар жиҳозлаб бўлинган. Буларнинг барчаси асосан ҳашар йўли билан

амалга оширилди, — дейди Раим Абдураимов. — Туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими, оталиқ ташкилотларимиз бўлмиш “Ўзбек қоғози” акционерлик жамияти, “Туфин” хусусий фирмаси ҳамда ота-оналар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашди. Худудимиздаги “Маърифат” маҳалла кўмитаси ҳам бу борада амалий ёрдам кўрсатди. Яқинда маҳалла фаоллари яна бир ташаббус билан чиқишди, яъни улар янги ўқув йилида мактабимизнинг 10 нафар кам таъминланган оила ўқувчиларига ўқув куроллари, дarsликлар топширишни мўлжаллашяпти.

Хуллас, кўнгилдагидек таъмирланган, зарур жиҳозлар билан таъминланган мактаб янги режалар ила ўқувчиларни кутмоқда.

Ҳидоят Жўраева

Мақтабга yordam — millatga yordam

Жиззах шаҳридаги 11-ўрта мактабда кейинги икки йил ичида катта қўламда қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бундай хайрли ишда ҳомий ташкилот — вилоят “Коммунал фойдаланиш” бирлашмасининг хизмати катта. Эътиборли жиҳати шундаки, мактаб билан ҳомий ташкилот ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида ҳаракат дастури тузилган. Бунда асосан, ҳомий ташкилот мактабни янги ўқув йилига тайёрлашда кўмаклашиши кўзда тутилган. Ҳомийлар бажаришга ваъда берган ишлар ҳажми эса кам эмас. Мактаб коридори ва синфхоналарининг полини алмаштириш, деразаларга 100 кв.м ойна ўрнатиш, парталарни таъмирлаш, ер та-

тўла таъминлаш чоралари кўриляпти.

Мактаб биносининг ташқи ва ички қисмлари таниб бўлмас даражада сифатли таъмирланаётгани ўқувчи ва ўқитувчиларга олам-олам қувонч улашмоқда. 1600 нафар ўқувчи ва 94 нафар ўқитувчи янги ўқув йилини мана шундай кўтаринки кайфият билан кутиб олмоқдалар. Синф партаси, 1 компьютер мажмуаси, ўқитувчиларга 10 жуфт стол ва стул берилиши қувонч устига қувонч бўлди. Бундай эътибор ва ғамхўрлик Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастурига жавобан қилинаётган

ҲОМИЙЛАР ҲИММАТИ

да-ги иситиш тизими трубаларини юзага чиқариш, бўёқ олиб бериш, мактабга кирадиган кўприкни кенгайтириш ва унга панжара ўрнатиш, гулзор атрофига панжара айлантириш ва бошқа ишлар ҳам шулар жумласидан.

Ана шу ҳаракат дастурига асосан, бошланғич синфлар ўқийдиган бино тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди, қолган корпуслар жорий таъмирдан чиқарилди. Ўрта корпусга алоҳида 14 жойга иситиш қозонлари ўрнатилди. Мактабни тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида маҳаллий бюджет ҳисобидан ер ости суви чиқарилди.

— Ўтган йили мактаб томига 2000 кв.м шифер урилган эди, — дейди мактаб директори Муқаддас Жўраева. — Янги ўқув йили арафасида мактаб томининг қолган қисми ҳам тўлиқ шиферланди. Спорт залининг ўта дид билан таъмирланиши келгусида болалар спортини ривожлантиришга катта имкон яратди. Айни кунда ҳомийлар, ота-оналар ҳамкорлигида барча ўқувчиларни спорт формаси билан

амалий ишларнинг бир кўринишидир.

Янги ўқув йилига ҳозирлик шаҳардаги 7-ўрта мактабда ҳам юқори савияда ташкил этилган. Бу ерда ҳам ҳомийларнинг ҳимматидан кўпчилик мамнун бўлмоқда. Ҳомий — вилоят “Иссиқлик манбаи” ташкилоти мактабнинг спорт залини сифатли таъмирлаб берди. Ҳомий, ота-оналар ва мактаб ҳамкорлигида 44 та синфхона, 2 та лаборатория, ўқитувчилар хонаси, ошхона, фаоллар зали янги ўқув йилига тўла шай ҳолатга келтирилди.

Мактабни таъмирлаш ишларига маҳаллий бюджет ҳисобидан ҳам катта эътибор берилаяпти. Мактаб томини шиферлашга 8 млн. сўм маблағ ажратилганлиги фикримиз далилидир. Бу йил мана шундай қулай шарт-шароитга эга бўлган мактабда 1463 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Келажакимиз эгалари бўлган ёшларнинг билим сирларини пухта эгаллаши учун ғамхўрлик қилиш — ҳамманинг бурчи. Зеро, мактабга ёрдам — миллатга ёрдам, деб бежиз айтилмаган.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
“Ma'rifat” муҳбири



ЮСАИД, ЮНИСЕФ, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, ХОУП, КАУНТЕР ПАРТ ИНТЕРНЕТШЛ, “Здравплюс” биргаликда 2000 йилдан буён олиб бораётган “Оилавий таълим дастури — ёш болаларнинг умумий ривожланиши” деб номланган дастурнинг бир ҳафталик семинар-тренингида Қорақал-

ни сўзлаб бериши лозим бўлади. Маҳалла маслаҳатчилари ҳам ҳар бир оила билан батафсил танишиб, аёллар, болалар билан суҳбатлар ўтказиб, ногирон болаларнинг соғлом болалар каби ҳақ-хуқуқларга эгаллигини тушунтириб бормоғи керак бўлади, — деди Дастур муаллифларидан бири Муаззам Исмоилова.

келган она ёки отага шифокор фақатгина бола соғлиги учун к е р а к л и д о р и - д а р м о н л а р н и ё з и б б е р м а с - д а н , у л а р б и л а н а т р о ф л и ч а с у х б а т ў т к а з и ш и , т о - з а л и к к а р и о я қ и л и ш , К о н - в е н ц и я д а б о л - а н и н г қ а н - д а й х у қ у қ л а - р и б а ё н э т и л г а н л и г и -

моларга турли саҳна кўринишлари, ўйинлар орқали ечим изланди.

18 нафар вакил иштирок этган семинар-тренингдан сўнг бундан кейинги режалар умумлаштирилди.

Зухра Ибрагимова, Эллиқалъа тумани ҳокими муовини, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси: — Тумандаги хотин-қизлар кўмитаси расларининг асосий вазифаси, ушбу дастурнинг мониторингини ўтказиш, уни жойларда кенг тарғиб қилиш, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ҳар бир оилага шу орқали кириш, энг муҳими, соғлом авлодни вояга етказишда ўз ҳиссасини қўшишдан иборат. Биз Тошкент ҳамда Фарғона вилояти вакиллари билан биргаликда иш олиб бордик, жуда кўп тажриба алмашдик. Ҳар бир ҳудуднинг ўз урф-одатларидан келиб чиқадиган вазифалари борлигини билдик.

ОИЛАВИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРИ

уни жойларда қандай татбиқ этиш лозим?

поғистон Республикаси, Тошкент ва Фарғона вилоятидан туман ҳокими ўринбосарлари, хотин-қизлар кўмитаси раислари, тиббиёт ходимлари, ўқитувчи ва тарбиячилар иштирок этди.

Нега дастурда бир неча касб эгалари иштирок этмоқда? Маълумки, бола тарбияси, унинг шахс сифатида шаклланишида, соғлом бўлиб вояга етишида, яна кўплаб омиллар учун нафақат ота-она ёки таълим-тарбия учун масъул бўлган шахслар, балки ҳамма бирдек ҳаракат қилмоғи лозим.

—Бизнинг ниятимиз, аввало болалар ўлимини камайтириш, туғилган ҳар бир чақалоқни соғлом қилиб вояга етказиш, сафга кўшиш, шунингдек уларга етарли даражада билим бериб, касб-хунар ўргатишдир. Буларнинг ҳаммасини бир сўз билан баркамол авлодни вояга етказиш дейиш мумкин. Бизнинг дастуримиз жуда кенг қамровли бўлиб, унда “Бола ҳуқуқлари Конвенцияси” мазмун-моҳиятини бобо-бувилар, ота-оналар ва болаларга сингдириш, ҳар бир болани ўз ҳуқуқидан фойдаланишга, тиббиёт ходимларига ҳам, маҳалла хотин-қизлар кўмиталари раисларига ҳам шу Конвенцияни ўргатиш, турли касалликлар ва уларнинг олдини олиш масалалари ўрин олган. Оддийроқ қилиб тушунтирадиган бўлсак, бемор боласи билан шифокор қабулига

Семинар иштирокчилари беш кун давомида шу каби қатор масалаларни уч-тўрт гуруҳларга бўлиниб, ҳаётий мисоллар орқали очиб беришди. Дастур муаллифларидан бири — Муаззам Исмоилова “Оилавий таълим дастури — ёш болалар умумий ривожланишига эътиборни жалб этиш” мавзусида тўхталган бўлса, яна бир муаллиф, профессор Дилором Шарипова “Катта ёшдагиларни ўқитиш хусусиятлари ва яхши етакчи фасилитаторларнинг қобилиятлари тўғрисида” гапириб ўтди. Ҳомиладор аёл ва эмизувчи онанинг овқатланиши, болага тўғри ғамхўрлик қилиш, камқонлик ва йод танқислигини аниқлаш ва олдини олиш, болаларда кўп учрайдиган бошқа касалликлар ҳақида ҳам чиқишлар бўлди. Айниқса, кўпчиликни ўйлантирадиган ва айниқса, ўзбек халқи менталитетида кўп учрайдиган қиз ва ўғил болаларни бир-бири билан тенг кўрмаслик ҳолатлари, ота-онасиз, васийсиз қолган болаларни фарзандликка олиш масалалари, турли касалликларга қарши вақтида эмланмаслик оқибатида кўпчилик болаларнинг ногирон бўлиб қолиши баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Юқорида қайд этилган масала ва муам-

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда дастур иштирокчилари бўлган ҳар бир туманда 40 нафардан волонтер, яъни маҳалла маслаҳатчилари бор.

Маълумот ўрнида яна шунини айтиш мумкинки, худди мана шу дастур асосида ТошПТИда 2-



курсдан бошлаб, “Болани умумий парваришлар” курси ўтилади бошланган. Унда талабалар биз юқорида санаб ўтган “Бола ҳуқуқлари Конвенцияси”нинг маъно-моҳиятини, оилада ногирон болаларга таълим-тарбия беришда ота-оналарга кўмакчи бўлиш кўникмаларини, 5 ёшгача бўлган болалар учун фақатгина 13 турдаги дори-дармонлар ишлатиш мумкинлигини ва яна бошқа кўпгина зарурий йўл-йўриқларни ўрганадилар.

Шарифа
МАДРАҲИМОВА,
“Ma'rifat” муҳбири

ГАРОЙИБ ШОШИЛЧНОМА

Бундан йигирма етти йил илгари, тўғрироғи, 1977 йили олий ўқув юртига ҳужжат топшириб, кириш имтиҳонларидан яхши баҳолар олдим. Аммо, конкурс (мандат)да балим етмай ҳафсалам пир бўлиб, ҳужжатларимни қайтариб олдим.

Алам қилганидан менда Тошкентда қолиб ишлаш истаги пайдо бўлди. Ўқишдан «йиқилибди» деган таънага чидаш қийин-да. Қишлоққа, ота-онамга шошилинчнома (телеграмма) жўнатмоқчи бўлдим. Почтага келиб: «Конкурсдан қайтдим. Тошкентда қоламан», деган мазмунда шошилинчнома ёзиб, почта ходимасига узатдим. У: «Пиши на русском языке!» деб қайтариб берди. Роса ялиниб, олдирдим. Ҳалиги хонимча бурнини жийириб, ҳар бир сўзни, битталаб санаб узатган пулимни ҳам ижирганиб олгандай бўлди.

Орадан икки кун ўтиб, эрталаб хонадон кўнги-роғи жиринглаб қолди. Кимнингдир йиғламсираб гапирганини нариги хонадан туриб эшитдим. Онамнинг овозига ўхшайди. Мени кўриши

киши «Ғумай», «Ажриқ» деган шахсларнинг бу ҳудудда яшамаслиги, қолаверса, бу одамнинг эмас, ёввойи ўт ўсимлигининг номи эканлигини айтиб, ҳарчанд уринмасин, «Топасан, бўлма-са ишдан ҳайдатаман» деган дўқ-пўписалар ҳам бўлгани рост...

Тил билмоқ қандай яхши.

ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетида ишлаб юрган кезларим рус гуруҳида ҳам талай ўзбек йигит-қизлар таълим олиб, рус тилида «яхши» ва «аъло» ўқиб битирган талабаларни яхши эслайман. Бир пайтлар Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот» кўрсатувида фаолият кўрсатган Шерзодхон Қудратўжаев ва Садриддин Суяровларни (рус гуруҳида ўқиган) ҳозирги кунда телетомошабинлар яхши танийди. Эътибор берган бўлсангиз, улар ҳеч қачон тайёр матнга қараб ўқимайди (бу ерда матнга қараб ўқийдиганларни камситмоқчи эмасман). Уларнинг дунёқараши, ўз она тилида равон сўзлашига эътибор берганмисиз?

Ёки мен билан бирга таҳсил олган Равшан Алимов деган йигит «аъло» баҳоларда ўқиши

ИСМ ҲАМ ҲУСН

Яхши исм бежиз танланмайди. Ҳар бир ота-она янги туғилган чақалоғига яхши ният билан муносиб исм топиб қўйишга ҳаракат қилади. Ҳар қандай исмнинг ўзига хос хусусияти, маъносию тарихи бор. Совет тузумининг руслаштириш сиёсати ўлароқ, яхши ният билан ўйлаб, топиб қўйилган чиройли исмларнинг хато ёзилишидан ташқари, маъносига ҳам пу-тур етказган ҳолатлар бир неча бор кузатилган.

Оддий бир мисол: Холтўра исми. «Хол» – «Тўра». Бу миллий халқимиз учун ўзига хос исмлардан бири. «Хол» атамаси барчамизга маълум. «Тўра» эга, бош, ҳўжайин деган маъноларни англатади. Инсон шахсини тасдиқловчи паспорт, гувоҳнома ёки бошқа муҳим ҳужжатларда бу исм «Халтура» деб ёзилган. Миллий халқ тилида ҳеч нарса ифода этмайдиган бу сўзлар рус тилида ижобий маъно хусусиятини бермайди, аксинча салбий атамани англатишини ҳамма билади.

Журналистика факультетида ўқиб юрган кезларим ҳар йили Сирдарё вилоятига пахта тергани борардик. Қўшни факультетнинг «барак»ига яқинлашаётиб, деворда осиб қўйилган «Кимга қандай проблема бўлса, факультет комсорги командир Мамир Халтаевга учрашсин» деган ёзувга кўзим тушганди. Ҳойнаҳой, Маъмур Холтоев бўлса керак, дея ўйладим. Англаганимдек, бу ёши каттароқ йигит тўртинчи курс талабаси экан. – «Ҳужжатига шунақа ёзилган бўлса керак», дейди суҳбатдошим ажабланганимни сезиб. — «Ҳайронман, қайси чаласавод ЗАГС ходими янги дунёга келган чақалоқнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасига шунақа исм-шариф битади? Бу шахсга нисбатан ҳурматсизлик эмасми», дедим унга. Шеригим нима дейишни билмай елка қисишдан нарига ўтмади.

Бундай олиб қараганда Маъмур, Холтой муносиб исмлар сирасига киради. Мамирни билмадим, Халта(й) нима эканлигини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Қачонгача Халиқни «Халиқ», Талъатни «Талат», Ҳамидни «Хамид» ёки Тоҳирни «Тахир» деб ёзамиз. Фақат шуларгина эмас, бунга ўнлаб, юзлаб мисоллар келтириш мумкин!

МАСЪУЛИЯТ КЕРАК

Миллатнинг шаъни-шавкати, қолаверса, обрўси бўлган миллий тилимизга мансабдор шахслардан тортиб, оддий кимшиларгача масъулият сезишлари лозим. Ҳолбуки, лотин ёзувиге асосланган янги ўзбек алифбосига тўлиқ ўтишимизга қисқа вақт қоляпти. Бунга аста-секин кўникиб, ўрганиб ҳам қолдик. Бироқ айрим корхона, ташкилот ва фирмаларнинг кириш пештоқига илинган лавҳалар кўпинча хато ёзилапти.

Пировардида тил ҳақида ёзар эканман, буюқ адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг олий ўқув юрти талабалари билан бўлган учрашувда айтган қуйидаги сўзлари барчамиз учун дастуруламал бўлишини истардим:

«Сизлар ҳар қаердан келгансизлар. Институтни битиргандан кейин жойларга бориб ўқувчиларга инглиз, немис, француз, испан тилларини ўргатасизлар. Менинг сизларга айтадиган энг зарур гапим шуки, сизлар борадиган жойларингга чет тиллар билан бирга (балки биринчи навбатда) ўз она тилимиз – ўзбек тилига чексиз муҳаббат туйғусини олиб бориңлар! Ўзбек тили гоёт бой, ниҳоятда чиройли, ҳар қандай фикр ва туйғуни ифода қилишга қодир эканини амалда кўрсатинглар: қаерда ва қандай шароитда ишланганлар, тилимиз тарғиботининг машъали бўлинглар!».

Алишер Навоий бобомиз: «Тилга эътибор – элга эътибор», дея бежиз айтмаганлар-ку! Инсон ўз она тилини ҳурмат қилсагина бошқа тилларни ҳам қунт билан ўрганишга эҳтиёж сезади. Ширинсўз одамларни халқимиз аҳли дил, деб эъозлайдилар. Чунки тил – дилнинг кўзгусидир.

Азамат СУЮНОВ,
журналист

КАТТАЛАРНИНГ ЎРНАГИ ШУМИ?

Яқинда нима ҳам бўлдию ишдан эртарақ чиқиб, уйга йўл олдим. Ҳар қалай автобуслар унча тирбанд эмасди, шу сабабданми автобусдаги ҳар бир йўловчининг хатти-ҳаракати, гап-сўзлари шундоққина эшитилиб, кўзга яққол ташланиб турарди. Хусусан, навбатдаги бекатларнинг биридан чиққан болали икки аёл барчанинг диққатини ўзига қаратди. Улар бўш ўриндиқларга ўтириб олишгач, шу қадар

Og'riq

гапга тушиб, ҳасратлашиб кетдиларки, атрофда гўё улардан бошқа ҳеч ким йўқдай. Улар суҳбатга берилиб, ора-чора кимларнидир қарғаб ҳам қўйишарди. Бироздан кейин бу ҳолат атрофдагиларнинг гашига тега бошлади ва танбеҳ бергувчилар ҳам топилди. Лекин аёллар ўша йўловчини шу қадар жеркиб ташлашдики, уларнинг вазоҳатини кўриб бошқалар индамай қўя қолишди. Энг ачинарлиси, уларнинг фарзандлари мўлтираб, оналарининг хатти-ҳаракатларини тушуна олмай ҳайрону лол қараб туришарди.

Юқоридагига ўхшаш ҳодисага деярли ҳар куни барчамиз дуч келамиз. Аҳвол шу даражага бориб етганки, биз уларга оддий ҳол деб қараймиз. Аммо бутун автобусни бошига кўтариб аюҳаннос солаётган айрим катталаримиз, айниқса, опа-сингилларимиз наҳотки ёшларга ўрناق бўлишлари лозимлигини ўйламасалар?

Баъзида тирбанд метро ва автобусларда бир-бирларини уриб-туртиб, бақир-чақир, беҳаё сўзларни уялмай айтаётган, баъзида эса тепасида онахону отахон, катта ёшдаги оналаримиз турса-да, ўриндиқларда ялпайиб олиб, жой беришни хаёлига ҳам келтирмайдиган мактаб ўқувчилари, талабаларимиз, умуман, ёшларимизни кўп кўрамыз. Эҳтимол улар айнан юқорида зикр этилгандагидай ота-оналарнинг фарзандларидир. Ахир «Қуш уясида кўрганини қилади» деб бежизга айтилмаган-ку?

Дилафрўз РИЗАМЕТОВА,
ЎзДЖТУ халқаро
журналистика
факультети талабаси

ТИЛ – МИЛЛАТ ҚИЁФАСИ

билан бағрига босиб, йиғлай кетди. Дадам ҳам бирга келган эканлар, кўзларида ёш қалқиб турибди.

Бечора волидам ҳиқиллаганча бағридан қўймайди. «Сени биров урдими ё йиқилдингми, нега қон қусасан?» деса, анграйиб қолибман. Дадам ҳам мен билан кучоқлашиб бўлгач, воқеани айтиб беришди. Уларнинг айтишига қараганда етиб борган шошилинчномада: «Қон қусиб йиқилдим. Тошкентда қоламан», деб чала-чулла ёзилгани етмагандай, хатолари ҳам кўп эди. Почтачиси тушмагур ҳам буни тасдиқлаб, тезроқ бормасангиз бўлмайди, аҳволи оғирга ўхшайди, деган. Кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмай қолгандик ўшанда...

Умуман айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда яшаб, шу халқнинг тилини билмаслик шу халққа бўлган ҳурматсизликдир. Шулар ҳақида ёзаётиб ёшлигимда кўз ўнгимда бўлиб ўтган бир ажаб-туров воқеа эсимга тушади.

ҒУМАЕВ АЖРИҚ ЧАҚИРИЛСИН!

Ўша йилларда Китоб туман мудофаа ишлари бўлимида отамнинг бир майор ўртоғи бўларди. Исм-шарифи ҳозир ёдимда йўқ. Аммо русийзабон эди. Уйимиз йўлнинг ёқасида бўлгани учунми ҳар ўтган-қайтганда кириб, ароғинг бўлса қуй, деб қисталанг қиларди. Бир куни уйимизда ўтирганида онамнинг укаси чойнак кўтариб кирганида у тоғамдан қаерда хизмат қилганини сўраб қолди. Шунда тоғам ота-онасининг кексалигини, тўнғич ўғил бўлгани учун эрта уйлангани, битта фарзанди борлиги ва бунинг устига хотини яна ҳомиладорлигини айтади. Шунда ҳалиги майор «мумкин эмас бундай бўлиши, бир болалилар, албатта, ҳарбий хизматга жўнатилади, иккинчи фарзанд туғилганидан кейин армиядан озод этилади», деб қолди. Шундан сўнг ёнидан блокнот ва ручкасини олиб, тоғамнинг исм-шарифини, қайси қишлоқда яшашини сўрайди. Бундан бироз хайиққан тоғам отим Ажриқ, фамилиям Ғумаев, деб ёздирди. «Сен билан ҳарбий комиссариатда гаплашаман», деб пўписа қилади майор.

Орадан уч кун ўтмай, қишлоқ фуқаролар йиғинига чақирув қоғози келади: «Призивику Ғумаеву Аджирику срочно явиться в райвоенкомат».

Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳарбийларни руйхатга олиш бўлими ходими Гаффор ака деган

дан ташқари ўзбек ва рус тилларида бемалол ёза оларди. Унга ҳаммамиз ҳавас билан қарардик ва ҳурмат қилганимиздан гуруҳимизга «староста» этиб сайлаганмиз. Орадан бир йил ўтиб, Равшан ҳарбий хизматга кетиб қолди. Тўғриси, уни жуда соғинганимдан ўша пайтлар Нижний Новгород (собик Горький) шаҳрига атай кўргани бордим. Равшан хизмат жойидаги ҳарбий қисм газетасини ташкил қилгани, унда рус тилида бир неча мақоласи чоп этилгани ҳақида рота командири айтиб берганида шундай курсдошим борлигидан гоёт хурсанд бўлганман.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига ҳам мана, ўн тўрт йилдан ошди. Тилимизнинг қонун йўли билан ҳимоялангани бежиз эмас, албатта. Бироқ, «Давлат тили тўғрисида»ги қонунга амал қилинишида ҳамон сусткашлик мавжуд.

Маълумки, ўзбек тили қадимий, мазмунан бой ва гўзалдир. Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Ясавий, Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижод этган бу тил неча асрлар қаъридан садо бериб келмоқда. Америка ва Европа давлатларида, Японияда ҳам тилимизни ўрганишга қизиқиш тобора ортиб бораёпти. Ҳатто ҳукмрон шўро салтанати пайтида ҳам хорижий давлатларда тилимизни ўрганишга иштиёқ кучли бўлган. Аммо сўқир мафкура ўзгаларнинг иштиёқини сўндирибгина қолмай, ҳатто марказ тазйиқи билан руслаштиришни асосий мақсад қилиб қўйган эди. Бунга истаганча мисол келтириш мумкин. Қуйида мен кўплар қатори ана шу сиёсатдан жабр кўрганим билан боғлиқ айрим воқеаларни эслашни лозим топдим.

Яна бир оддий мисол. Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг рус гуруҳида таҳсил олаётган Тайлоқ туманилик аълочи талаба Шоиста Боймуродованинг рус тилида ёзган бир даста шеърлари кўп нусхали «Педиатр» газетасида босилди. Кейин билсак, у ўзбек тилида ҳам тузуккина шеърлар ёзаркан. Газетанинг навбатдаги сонларидан бирида бу шеъри ҳам эълон қилинди.

Айрим ҳолларда бунинг тескариси ҳам бўлади. Бундан ўн беш йиллар илгари ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича ўқишни тугатган бир йигит ишга кириш учун таржимаи ҳол тўлдиришда меъёридан ортиқ хатога йўл қўйгани учун дипломи бекор қилингани ҳақида эшитганим бор. Шу воқеа туфайли институт раҳбарияти таъзирини олган эди.

Хеч бир киши ўзини бировга юк қилмасин.

Хожа Аҳрор Валий

Тарихимиз шунчалик буюкки, неча йиллардан бери уни ўқиб-ўрганиб, адоғига етолмаямиз. Ўзимиз учун маълум ва номаълум бўлган буюк аждодларимизни кашф қилишда давом этмоқдамиз. Ана шундай шахслардан бири – Хожа Аҳрор Валий таваллудларининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида шу йил 25 март куни Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Гап шундаки, дахрийлар замонидан у кишини Улуғбекнинг қатл этилишидаги айбдорлардан бири, деган ёлгонга бизни ишонтирмоқчи бўлишди. Бу ҳақда бадиий асарлар ҳам ёзилди, ҳатто, ҳозир ҳам кўпчилик шундай фикрда.

Келинг, бугун шу масалани ойдинлаштириб олайлик. Хожа Аҳрор Валий аслида ким бўлган? У кишининг халқимиз, қолаверса, инсоният олдидаги хизматлари қандай бўлган?

Нажмиддин Комилов, филология фанлари доктори, профессор:

— Тарихимизда улуғ инсонлар кўп бўлган. Улардан бири Хожагон тариқатини юқори нуқтага кўтарган, уни амалиёт билан боғлаган аллома Хожа Аҳрор Валийдир. У инсоннинг тўлиқ исмлари Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Валийдир. У кишига берилган Хожа, Аҳрор, Валий исмлари ҳам ўз даврида тутган маъноси билдиради, бу эса халқ томонидан берилган юксак унвонларидан нишондир. Чунки, Хожа дегани бу Хожагон ва Нақшбандия тариқатига тааллуқлилигини билдирса, Аҳрор хуррият, қалб хуррияти ва Аллоҳ хурриятини ўзида мужассам этган инсон сифатидаги фазилатларни акс эттиради. Валий исми у кишининг каромат соҳиби эканига ишорадир. Хожа Аҳрор Валийнинг шўролар даврида илм-фан душмани, деб талқин этилиши ҳам тарихий нуқтаи назардан, ҳам инсонийлик нуқтаи назаридан асоссиз эди.

Масалан, Улуғбек фожиаси даврида у зот Самарқандда бўлмаган, иккинчидан, ҳали ёш бўлиб, ўша пайтлар бу даражада дин пешвоси сифатида ном чиқармаган эди. Алломанинг Тошкентдан Самарқандга кўчишлари Абу Саид фаолияти билан боғлиқ. Абу Саид Мирзо Улуғбекнинг ўғли Абдуллатиф вафотидан кейин, ўттиз яшар йигит – Хожа Аҳрор Валийни Самарқандга таклиф қилган.

Шундан кейин Абу Саид ва унинг ўғиллари даврида Самарқандда Хожа Аҳрор Валий ҳам сиёсий арбоб сифатида, ҳам катта шайх сифатида ном қозонган.

У киши айтадиларки, тасаввуф аҳлининг иши фақат дарвешлик қилиш эмас. Акс ҳолда фаолияти чегараланиб қолиб, Аллоҳ олдидаги маънавий вазифасини тўлиқ адо этмаган бўлади. Шунинг учун биз подшоларнинг ишларига дахл қилдик, аралашдик ва уларни яхшилик йўлида тарбиялашга бош қўшдик, дейдилар. Шу муносабат билан бир қанча жанжалларнинг олдини олганликлари тарихдан маълум. Бу ҳақда Фахриддин Али Сафийнинг "Рашоҳат", Ботурхон Валихўжаевнинг "Хўжа Аҳрор тарихи" каби асарларида ҳазрати Эшон номи билан машҳур бўлган Хожа Аҳрор Валийнинг хизматлари ҳақида жуда кўп маълумотлар берилган.

Жумладан, халқни жангга тортадиган одамларни тарбиялаш, уларга Аллоҳ таолонинг адолати ҳақида гапириб инсофга келтириш, жуда катта урушларнинг олдини олишда бош-қош бўлганликларининг

гувоҳи бўламиз. Шу ва бошқа ҳаракатлари эвазига у киши шунчалик мартабага эришдиларки, замондошларининг хотирлашларича, ҳазрати Эшон ёзган хатлари мамлакат раҳбарлари аввал кўзларига суртиб, тавоф қилиб, сўнгра очиб ўқишган. Мен китобларни ўқиб эмас, балки, одамларга хизмат қилиб шу мартабага эришдим, деган эди у киши.

Бизга маълум бўлишича, Хожа Аҳрор Валий афсонавий равишда катта бойликка эга бўлган. Даромадларининг ҳаммаси ночор фуқаролар, талабалар, бевабечораларга сарфланар экан. Баъзан шунанга бўлар эканки, ёнларида пуллари йўқ пайтлари қарз олиб бўлса-да, мурувват қилар эканлар.

Умрларининг охирида Тошкентга келганида шаҳар аҳли қурғоқчилик сабабли ҳукумат талаб қилган солиқни тўлашининг имкони йўқлигидан танг аҳволда эди. Шунда у зот 770 минг динор, яъни, Тошкентнинг бир йиллик солиғини ўз ёнларидан тўлаб юборган. Яна 70 минг ди-

ўтказсин, деган гаплар демократиянинг бугунги энг юқори чўққиси эмасми?

Савол шундай қўйилганда, баъзи олимлар бунга тасаввуф айбдор, деб ҳисоблаяпти. Сабаби, тасаввуф жамиятдаги шундай бир оқим бўлдики, зиёлилар – ақлли, илмли, маънавиятли, инсофли одамлар сиёсатдан юз ўгирди. Чунки улар сиёсатда зулм, адолатсизликдан холи бўлиш қийин, деб ҳисоблашди. Тарки дунё қилиб, бир чеккада, тоғу даштларда ибодат билан шуғулланиб, фақат ўзларини ўйлади. Сиёсат ўз ҳолига ташлаб қўйилди. У зулмкор, бетадбир кишилар қўлида қолаверди. Тасаввуф, аксинча, сиёсатдан қочишга ундади, шу тариқа демократия ривожига салбий таъсир кўрсатди.

Бу, аччиқ бўлса ҳам тан олишимиз керак, тўғри гап. Лекин битта нуқтада адашмаслигимиз лозим. Нақшбандияга келганда бу гап – хато. Бу талқин тариқатга тўғри келмайди.

Нақшбандия тасаввуфни жиддий ислоҳ

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ:

ТАСАВВУФ ВА СИЁСАТ

норни Тошкент аҳлига қишдан чиқиб олишлари учун берган. Ўша даврда Тошкентга унинг атрофидаги ҳудудлардан жуда кўп очарчиликдан қийналган кишилар оқиб кела бошлаган. Уларга, шаҳар аҳлига шогирдлари бошчилигида ҳар куни катта қозонларда овқат пишириб тарқатилган. Тортиқ қилинган масалликлар, жумладан, бугдойнинг кўплигидан тегирмончилар ун қилишга, новвойлар нон ёпишга улгура олмаган, дейишди.

Ҳотамтой – афсонавий одам, лекин Хожа Аҳрор Валий ва у шахснинг хизматлари тарихий ҳақиқатдир.

Ўзлари ўта фақирона умр кечирганлар. Уч йилда бир янги кийим олардим, дейдилар. Ёшликларидан ҳаммолчилик қилиб одамларга ёрдам берганлар. У кишининг фикрича, киши ўзини ҳеч қачон бировга юк қилиб қўймадлиги керак. Ҳар бир одам ўз оғирини ўзи кўтариши, ҳалол меҳнати билан тирикчилик қилиши ва албатта, бирорта касб-хунар билан шуғулланиши шарт. Камтарлик, ҳокисорлик, бировларга хизмат қилиш асло оёқости бўлиш эмас. Одам ўз шаънини ҳам сақлай билмоғи керак.

Султонмурод Олим, филология фанлари номзоиди:

— Агар башарият маънавияти, яъни инсоншунослик тарихи ўрганиладиган бўлса, тасаввуфни, жумладан, унинг энг юқори чўққиси бўлган нақшбандия тариқатини четлаб ўтиш мумкин эмас. Ҳозир дунё илмида шундай масала қўйилмаптики, нима учун мусулмон мамлакатлари илмида, динида демократиянинг кучли асослари бор бўлишига қарамай, Европада демократия қонунийлашиб, жамиятнинг яшаш тарзига айланди-ю, нега Шарқ бундан орқада қолди? Масалан, шоху гадо баробар бўлсин, ҳар ким ўз меҳнати билан кун кўрсин, ҳеч ким биронинг молига кўз олайтирмасин, инсон умрини фойдали машғулот билан

қилди. Шу нуқтаи назардан биринчи ислоҳчи Абдуҳолик Ғиждувоний бўлган бўлса, ундан кейингиси – Баҳоуддин Нақшбанд. Шу икки зот яратган назариянинг моҳиятида тасаввуфни жамиятга, аниқроғи, халқ ҳаётига яқинлаштириш, шу тариқа инсонни ижтимоий фаолликка ундаш мавжуд.

Ғиждувоний ва Нақшбанд чизган чизиқ охир-оқибат тасаввуф аҳлининг бевосита жамиятни бошқаришга фаол аралашуви, сиёсатга тўғридан-тўғри таъсир ўтказишига олиб келиши керак эди. Шундай бўлди ҳам: Хожа Аҳрор Убайдуллоҳ Валий буюк салафлари йўлини изчил давом эттирди, назарияни амалиётга айлантирди.

Хожа Аҳрор Нақшбандия раҳнамоси сифатида амалда XV аср иккинчи ярмида Марказий Осиё ва унинг атрофидаги минтақалардаги йирик сиёсий арбобга айланди. У турли ижтимоий-сиёсий, ҳарбий, мамлакатлараро масалалар юзасидан тўғридан-тўғри ҳукмдорларга, халқ орасида катта иззат-обрўга эга бўлган (Жомий, Навоий каби) сиёсат, адабиёт ва санъат арбобларига бевосита маслаҳатларидан иборат мактублар юбориб турар эди. Ундан хат олганлар бу талабларни бажаришга тутинган, албатта.

Ҳазрат Абдураҳмон Жомий Самарқандда ўқиб кетганларидан кейин уч маротаба Ҳиротдан Мовароуннаҳрга сафар қилганлар. Уччаласида ҳам Хожа Аҳрор Валий билан учрашиш мақсадида йўлга чиққанлар. Керак бўлса, у кишидан ҳам диний-тасаввуфий, ҳам ижтимоий-сиёсий топшириқлар олиш учун келганлар.

Хожа Аҳрор Валий таваллудларининг 600 йиллигини нишонлаш ҳақидаги ҳукуматимиз қарори бизга бу зот қолдирган бой меросни ўрганиш, мана, биз шундай ворисларнинг авлодимиз дейиш учунгина эмас, балки, ўтганларнинг фаолиятини ҳозирги ҳаётимизга юқтириш учун жуда

Teran tomirlar

аҳамиятли бир ҳужжат, деб биламан. Чунки миллат мунавварларининг сиёсат билан шуғулланиши жамиятни маърифатли қилади.

Абдулҳаким Жузжоний, исломшунос олим:

— Хожа Аҳрор Валий халқимиз тарихида кўп қиррали шахслардан бири ҳисобланади. Шахсиятларининг учта катта қирраси бор эди. Биринчидан, илмий қирраси – айниқса, фалсафий қарашлари жуда чуқур эди. Иккинчидан, тасаввуфий қарашлар соҳасида бу одам ижодкор эди. Жумладан, Нақшбандия тариқатини ривожлантиришда хизматлари катта. Учтинчи хусусияти бу сиёсий томони эди. Ўша давр подшолари бу кишига жуда катта ҳурмат билан қарарди. Ҳазрат Абдураҳмон Жомий асрлар давомида бундай буюк инсон топилмайди, дейдилар.

Убайдулла Уватов, исломшунос олим:

— Хожа Аҳрор Валий маънавий комил инсон бўлган. Маълум бўлишича, 86 йил умр кўрганлар. Йирик мулкдор, бой-бадавлат айниқса, муҳтожларга меҳр ва мурувват кўрсатадиган саховатли инсон сифатида ном қозонганлар. У зотдан бизга улкан маънавий мерос қолган. Жумладан, йирик шарқшунос, тарих фанлари доктори Асомиддин Ўринбоевнинг ёзишича, бизгача унинг учта рисоласи етиб келган. Улардан бири "Фақарот ул-орифин" ("Орифлар сўзларидан парчалар") номи билан машҳур бўлиб, унда Хожа Аҳрор Валий ва бошқа баъзи мутасаввуфларнинг тариқатга оид фикрларидан намуналар келтирилган. Ўз отаси Хўжа Маҳмуд илтимосига биноан ёзган бошқа бир рисоласини олим "Волидийя" ("Отага бағишлов") деб атаган. Унда тариқат йўлига кирган кишининг ахлоқ-одоби, фақр ва фано истилоҳлари ҳақида тушунчалар берилди. Бу рисола ўз даврида кенг шухрат қозониб, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийдек буюк мутафаккирлар ҳам унга муносиб баҳо берганлар. Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса бу рисолада форсийдан ўзбек тилига назмий услубда таржима қилган. Бу таржима 1991 йили Тошкентда "Ёзувчи" нашриётида чоп этилган. Учтинчи рисола "Хавроийя" деб номланган бўлиб, XI асрнинг машҳур мутасаввуф шоири Абу Саъид Абулхайрнинг "Хавро" ("Хур парилар") ёки "Фаришталар" сўзи билан бошланувчи бир рубоийсини шарҳлашга бағишланган. Бу рисоалардан ташқари ўз нуфузли замондошларига йўллаган анчагина руқъа-мактублари ҳам бизгача етиб келганки, улар ҳам ҳазратнинг ўз даври ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётида тутган ўрнини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Мавруди келганда айтиш керакки, узоқ йиллар тинимсиз изланишлари натижасида тарих фанлари доктори А. Ўринбоев томонидан ушбу номаларнинг русча таржимаси тайёрланган эди. Америкалик олима, Нью-Жерси университетининг профессори Жо Энн Гросс билан А. Ўринбоев ҳамкорлигида бу номалар инглиз тилига ўгирилиб, "Хожа Убайдуллоҳ хатлари ва унинг муридлари" номи билан 2002 йилда Голландиянинг бутун дунёга машҳур "Брилл" нашриётида чоп этилган. Умид қиламизки, ушбу мактубларнинг ўзбекча таржимаси нашр этилиши буюк ватандошимизнинг 600 йиллик қутлуг тўйига муносиб совға бўлар эди.

Оллоёр БОБОНОВ тайёрлади.

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ

- 1404 йил Тошкент шаҳрида туғилди.
- 1427-1428 йиллар Самарқанддаги мавлоно Қутбиддин Садр мадрасасида ўқийди.
- 1429-1433 йиллар Ҳирот шаҳрида тариқат соҳасида таълим олади.
- 1433-1434 йиллар Ҳиротдан Тошкентга қайтаётиб, Чағониёнда ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди Яъқуб Чархий билан учрашиб, у кишини тариқат соҳасида ўзининг пири деб билади.
- 1451 йил Самарқандга кўчиб келади.
- 1490 йил Самарқанддаги Ургутнинг Камонгарон қишлоғида оламдан кўз юмади.

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙНИНГ ЁЗГАН АСАРЛАРИ

- "Фақарот ул-орифин" (Орифлар сўзларидан парчалар)
- "Волидия" (Отага бағишлов)
- "Хавроийя" (XI асрнинг машҳур мутасаввуф шоири Абу Саъид Абулхайрнинг "Хавро") (Хур парилар ёки Фаришталар) сўзи билан бошланувчи бир рубоийсини шарҳлашга бағишланган)
- Руқъа-мактублари

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ ҲАҚИДА ЁЗИЛГАН АСАРЛАР

- Мавлоно Муҳаммад қозининг "Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин" асари
- Мир Абдул Аввал Нишопурийнинг "Масмуъот" (Эшитилганлар) асари
- Фахриддин Али Ибн Хусайн Али Воиз ал-Кошифий ас-Сафийнинг "Рашоҳат айн ул-ҳаёт" Ҳаёт чашмасидан томчилар) асари
- Абдураҳмон Жомийнинг "Нафаҳот ул-унс" асари
- Алишер Навоийнинг "Насойимулмуҳаббат" асари
- Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Волидия" (таржима) асари

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ ҲИКМАТЛАРИ

- Халқ оғирлигини енгиллатмоқ керак, бунинг илоҳи бўлмаса, ҳалол касб-хунар эгаллаб, "даст ба-кору, дил ба-ёр" ҳолатида бўлмоқлик амри муқаррар турур.
- Бизнинг молимиз фуқаро учундир.
- Мулло бўлма, сўфи бўлма – мусулмон бўл!
- Адолатсизлик ҳамда зулмни бар тараф қилиш учун барча куч ва гайратни аямаслик керак.
- Оддий халқнинг манфаатини кўзлаш энг олийжаноб фаолиятдир.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Ўзбекистонлик бир гуруҳ ўқитувчилар Буюк Британияда замонавий ахборот технологиялари курсида таҳсил олиб қайтди.

Жорий йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти "Истеъдод" жамғармаси ва "Аспект" халқаро ташкилоти ўртасида Буюк Британия таълим марказларида ўзбекистонлик ўқитувчиларнинг малакасини оширишда ҳамкорлик қилишга оид келишувга эришилган эди. Орадан икки ой ўтгач, мамлакатимиз вилоятларидаги университетлар ўқитувчиларидан 16 нафари "Аспект" халқаро ташкилотининг Борнмус шаҳрида жойлашган ахборот технологиялари ўқув марказида таҳсил ола бошлашди.

Бу ерда мамлакатимиз вакиллари Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрларида талабаларга таҳсил беришда кенг қўлланилаётган илгор компьютер технологиялари ва дастурлари билан танишдилар.

— Марказдаги машғулотлари юқори малакали мутахассислар олиб боришди, - дейди ўқув марказининг таълим масалалари бўйича директор Жанет Пантер. - Ўзбек мутахассислари учун қисқа муддатда кўпроқ маълумот беришга йўналтирилган янги дастур ишлаб чиқдик. Гуруҳ аъзолари томонидан тайёрланган ўқув компьютер дастурлари ушбу услуб самарадорлигидан дарак бермоқда.

Ташкилот минтақавий менежери Саймон Гучнинг сўзларига қараганда, истиқболда "Аспект" аа "Истеъдод" ҳамкорлигида ҳар йили Буюк Британияда мамлакатимизнинг бир неча гуруҳ ўқитувчилари малакасини оширади. Шунингдек, ўзбекистонлик тингловчилар учун "Аспект"нинг Буюк Британия ва АҚШда жойлашган ўқув марказларида бизнес ва юриспруденция бўйича ҳам курсларни ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Аваз
ҲОЖИМАТОВ,
"Жаҳон" АА,
Лондон

«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» Республика танловида иштирок этаётган адабиётлар

РЎЙЎХАТИ

Олий таълим бўйича

(Давоми. Боши ўтган сониди)

№	Муаллиф (лар)	Адабиёт номи	Дарслик ёки ўқув қўлланма	Шаҳар, нашриёт, нашр йили	Тавсия қилган ташкилот	144	A.Sattorov	Informatika va axborot texnologiyalari 2-nashri	Darslik	"O'qituvchi"	O'MKHTM
1	2	3	4	5	6	145	И.Тошев, И.Исмоилов, Р.Рўзиев, А.Жалилов	Анорганик кимёдан машқ ва масалалар тўплами	Ўқув қўлланма	«Ўқитувчи» — 2003	ТКТИ
124	Т.Шоёкубов, М.Мирусмонов, С.Содиқов	Фойдали қазилма конларини разведка қилиш ва геологик-иктисодий баҳолаш асослари	Ўқув қўлланма	Тошкент — 2003	ТДТУ	146	И.Тошев, И.Исмоилов, Р.Рўзиев	Анорганик кимё	Ўқув қўлланма	«Ўқитувчи» — 2002	ТКТИ
125	С.Алимходжаев, Х.Сайдахмедов, С.Ибрагимов	Кончилик саноати ва геология қидирув ишларини ташкил қилиш	Ўқув қўлланма	Тошкент — 2003	ТДТУ	147	И.Тошев, И.Исмоилов, Р.Рўзиев, I.Toshev, R.Ro'ziev	Anorganik kimyodan laboratoriya mashg'ulotlari	O'quv qo'llanma	«O'qituvchi» — 2003	ТКТИ
126	Б.Акрамов, Р.Сидиқхўжаев	Олий таълимнинг «Технологик машиналар ва жиҳозлар» ва «Нефт ва газ иши» йўналиши учун «Нефт ва газ қазиб олиш техникаси ва технологияси»	Ўқув қўлланма	Тошкент — 2003	ТДТУ	148	A.Abdusamotov, R.Mirzaev, R.Ziyayev	Organik kimyo	O'quv qo'llanma	«O'qituvchi» — 2003	O'MKHTM
127	Б.Акрамов, Р.Сидиқхўжаев	Олий таълимнинг «Нефт ва газ иши» йўналишининг «Нефт ва газ иши асослари»	Дарслик	Тошкент — 2003	ТДТУ	149	A.Abdusamotov, R.Ziyayev, B.Akbarov	Organik kimyodan mashq, masala va testlar	O'quv qo'llanma	«O'qituvchi» — 2003	O'MKHTM
128	Х.Комилова, Н.Хамроева	Тикув буюмларини конструкциялаш	Дарслик	Тошкент — 2003	ТТЕСИ	150	A.Nig'matov	O'zbekiston Respublikasining ekologiya huquqi	Darslik	«G'afur G'ulom» Toshkent — 2003	O'MKHTM
129	Х.Атабаева	Ўсимлик-шunoslik	Дарслик	Тошкент — 2003	ТДАУ	151	A.Meliqulov, P.Qurbonov, P.Ismoilov	Matematika 1-qism	O'quv qo'llanma	«O'qituvchi» — 2003	ТДУ
130	У.Норкулов, Х.Шералиев	Кишлоқ хўжалиги мелиорацияси	Дарслик	Тошкент — 2003	ТДФУФ	152	A.Meliqulov, P.Qurbonov, P.Ismoilov	Matematika 2-qism	O'quv qo'llanma	«O'qituvchi» — 2003	ТДУ
131	А.Жўраев, Д.Хўжамкулов, Б.Маматов	Инвестиция лойиҳалари таҳлили	Ўқув қўлланма	Тошкент — 2003	ТМИ	153	A.Nurmonx'ojayev, A.Xudoyberdiyev, K.Tursunmetov, B.Nurmetov, P.Komilova, A.Yunosov, A.Xudoyberganov, L.Pulatova	Fizika 1,2,3-qismlar	Ўқув қўлланма	«Ўқитувчи» — 2000,2001,2003	ЎЗМУ
132	М.Собиров	Турар жой бинолари архитектураси 1-қисм	Ўқув қўлланма	Ургенч-2003	УДУ	154	O.Karimova	Huquqshunoslik	O'quv qo'llanma	«Sharq»-2003	O'MKHTM
133	M.Sobirov	Turar joy binolari arxitekturasi	O'quv qo'llanma	Urgench-2003	УДУ	155	N.Ahmedova, P.Sharipova	Книга для чтения	Ўқув қўлланма	«Uzinkonsentr» — 2003	БООЕСТИ
134	M.Pavshanov	Lingvistik semantika asoslari	Ўқув қўлланма	Тошкент-2003	РТМ	II. Мутахассислик фанлари					
Ўрта махсус касб-хунар таълими бўйича						156	Э.Нурматов, Ў.Ўтанов	Геодезия	Ўқув қўлланма	«Ўзбекистон» — 2003	ТИМИ
I. Умумтаълим фанлари						157	T.Ochilov, N.Abbasova, F.Abdulina, Q.Abulniyozov	Gazlamashunoslik	Darslik	«Abdulla Qodiriy» 2003	ТТЕСИ
135	M.Mamadazimov	Astronomiya	Darslik	«O'qituvchi» 2003	ТДПУ	158	G'.Mahmudov, D.Hoshimov	Avtomobillar-ning elektr va elektron jihozlari	Darslik	Toshkent — 2003	ТАЙИ
136	X.Odilqoriev, R.Qayumov, X.Nazarov, M.Lafasov, Z.Karimov, O.Omonova	O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasini o'rganish	O'quv qo'llanma	«Sharq» 2003	O'MKHTM	159	S.Qodirov	Ички ёнув	Дарслик	Тошкент — 2003	ТАЙИ
137	Q.Usmonov	O'zbekiston tarixi	Darslik	«O'qituvchi» 2003	O'MKHTM	160	I.Erbutayev	двигателлари Чакана савдо технологияси	Ўқув қўлланма	«А.Қодирий» — 2003	ЎМКХТМ
138	Ш.Камолхўжаев	Табиатшunoslik asoslari	Ўқув қўлланма	«Молия» 2002	ЎМКХТМ	161	I.Erbutayev	Умумий овқатланиш, санитария ва гигиена	Ўқув қўлланма	«А.Қодирий» — 2003	ЎМКХТМ
139	Ж.Нурмонов, М.Исроилов, М.Нишонов, А.Авлиёқулов	Физика лаборатория ишлари	Ўқув қўлланма	«Ўқитувчи» 2002	ГулДУ	162	I.Erbutayev	Умумий овқатланиш ва хизмат маданияти 1 ва 2-қисм	Ўқув қўлланма	«А.Қодирий» — 2003	ЎМКХТМ
140	J.Nurmatov, M.Isroilov, M.Nishonova, A.Avliyovqulov	Fizika laboratoriya ishlari	O'quv qo'llanma	«O'qituvchi» 2003	GuIDU	163	I.Erbutayev	Ноозиқ-овқат моллари товаршunosligi	Ўқув қўлланма	«А.Қодирий» — 2003	ЎМКХТМ
141	M.O'Imasova	Mexanika va molekulyar fizika	O'quv qo'llanma	«O'qituvchi» 2003	O'MKHTM	164	D.Ermatova, Sh.Ubaydullaeva	Донли экинлар	Дарслик	«Меҳнат» — 2002	ЎЖТИ
142	A.Fanihx'ojayeva, X.Nazarova	Микробиология	Дарслик	«Абу Али ибн Сино» — 2002	ЎМКХТМ	165	D.Ermatova	Донли экинлар	Электрон дарслик	«Меҳнат» — 2003	ЎЖТИ
143	A.Sattorov	Информатика ва ахборот технологиялари	Дарслик	«Ўқитувчи» — 2002	ЎМКХТМ	166	N.Jurayev, Sh.Azizov	Ижтимоиёт асослари	Ўқув қўлланма	«Ma'rifat-Madadkor» — 2003	ЎЗМУ
						167	T.Ostonaqulov	Сабзавотлар етиштириш технологияси	Дарслик	«Шарқ» — 2003	СамҚХИ
						168	F.Ermatov, E.Isamuxamedov	Меҳнатни муҳофаза қилиш	Дарслик	«Ўзбекистон» — 2002	ТКТИ
						169	M.Mirsaidov	Тадбиркорлик асослари	Дарслик	«Ўзбекистон» — 2002	ТМИ
						170	A.Xamrayev, M.Xamedova	Хирургия	Дарслик	«Ўқитувчи» — 2002	ТТиБИ
						171	A.Xamrayev, A.Alimov, T.Azhamx'ojayev	Хирургия ва реанимация асослари	Дарслик	«Абу Али ибн Сино» — 2002	ТТиБИ

172	М.Фозилбекова, Н.Нурматова	Хамширалик иши назарий асослари	Ўқув қўлланма	«Ўқитувчи» — 2002	ТШССБЎДК	201	A.Abdullayev, I.Qayumov, A.Ergashev	Buxgalteriya hisobi nazariyasi	Darslik	«O'qituvchi»	O'MKHTM
173	Я.Аллаёров, Я.Тожибоев	Фавкулдда вазиятларда тез тиббий ёрдам асослари	Дарслик	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» — 2003	СамТК	Умумий ўрта таълим бўйича I. Ижтимоий фанлар					
174	З.Артукметов, Х.Отабоев	Агрономия асослари ва ем-хашак етиштириш	Дарслик	«Меҳнат» — 2003	ТДАГУ	202	Z.Abdouchoukourova, K.Youssouпова, M.Nichanov, S.Rakhmonov, Sh.Hakimova	VOYAGE EN FRANGE Pour la 6 eme (6-синфлар учун француз тили)	Дарслик	Tachkent — 2002	ЎзДЖТУ
175	Х.Рустамов, Ш.Нуруллаев	Технологик жараёнларнинг физик-кимёвий асосларида масалалар тўплами	Ўқув қўлланма	«Ўқитувчи» — 2002	ТКТИ	203	V.Boukhine, S.Oumarova, M.Oubaidoulaeva	BON VOYAGE Pour la 7 eme (7-синфлар учун француз тили дарслиги)	Дарслик	Tachkent — 2002	ЎзДЖТУ
176	С.Азимбоев, З.Артукметов, Х.Шералиев, У.Норқулов, М.Шодманов	Умумий деҳқончилик ва мелиорация асослари	Дарслик	«Ўзинком — центр» — 2002	ТДАГУ	204	Z.Abdouchoukouva, K.Youssouпова, M.Nishanov	LE NOUVEAU VOYAGE EN FRANCE Pour la 8 eme (8-синфлар учун француз тили дарслиги)	Дарслик	Tachkent — 2003	ЎзДЖТУ
177	Б.Акрамов	Нефть ва газ қудукларини ишлаши	Дарслик	«Тошкент» — 2002	ТДТУ	205	T.T.Кельдиев, Г.М.Рахматуллаува	Русский язык (для 10-11-классов)	Учебник	Ташкент — 2003	ТИДУ, ЖИДУ
178	Р.Нормахматов	Озиқ-овқат маҳсулотлари товар-шунослиги	Ўқув қўлланма	«Шарқ» — 2002	СамСИ	206	В.И.Зеленина, М.Э.Рожнова	Русский язык 5-класс	Дарслик 2003	«Ўзбекистан»	РТМ
179	Д.Аликулов, Н.Лосева, Б.Аскарходжаев, Б.Мавлянов	Технология токарной обработки	Учебник	«Молия» — 2003	ТДТУ	207	М.Омарулы	ҚАЗАҚ Тілі 4-сынып (4-синфлар учун қозоқ тили)2-нашри	Дарслик	Ташкент «Ўзбекистан» — 2004	РТМ
180	Х.Кимсанбоев, Р.Ўлмасбоева, Қ.Халилов	Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси	Ўқув қўлланма	«Ўқитувчи» — 2002	ТДАГУ	208	Ҳазрат Сабзҳи, О.Бозорзода	КИТОБИ ХОНИШИ 2-синф	Дарслик	Тошкент «Ўзбекистон» — 2004	РТМ
181	В.Акрамов, О.Найитов	Нефть ва газ маҳсулотларини yig'ish va tayyorlash	O'quv qo'llanma	«Ilm ziyo» — 2003	ТДТУ	209	С.Рысбаев, А.Юнусалиева	Кыргыз тили 2-синф	Дарслик	Ташкент «Чўлпон» — 2002	РТМ
182	В.Мирбобоев	Konstruktion materiallar texnologiyasi	Darslik	«Moliya» — 2003	ТДТУ	210	R.Yo'ldoshev, M.To'xtamirzaev, M.Rixsiyeva, R.Niyozmetova	O'zbek tili 2-nashri 8-синф	Darslik	Tashkent — 2004 «Ijod Dunyosi»	РТМ
183	Sh.Hakimova	Vinochilik mikrobiologiyasi	O'quv qo'llanma	«Mehnat» — 2003	ТКТИ	211	M.Lafasov, Э.Халиков, Д.Кадырова	Jahon tarixi 9-sinf	Darslik	Toshkent — «Abdulla Qodiriy» 2002	ТДАИ
184	У.Худойберdiyev, В.Исроилов, Н.Худойберdiyev	Buxgalteriya hisobi nazariyasi	Darslik	«O'zbekiston» — 2003	СамИСИ	212	M.Lafasov, Э.Халиков, Д.Кадырова	Всемирная история 9-класс	Учебник	Toshkent — 2002 «Abdulla Qodiriy»	ТДАИ
185	S.Majidov	Elektr yuritma va uni avtomatik boshqarish asoslari	Darslik	«O'qituvchi» — 2003	ТИМИ	213	M.Lafasov, Э.Холиқов, Д.Қодирова	Жаҳон тарихи 9-синф	Дарслик	Toshkent — 2002 «Abdulla Qodiriy»	ТДАИ
186	Б.Тулаев	Топливо-смазочные материалы и охлаждающие жидкости. Химмотология топлив для двигателей внутреннего сгорания	Учебное пособие	Ташкент — 2003	ТДТУ	214	Sh.Boltaeva, Sh.Shermuhamedova	O'ynaymiz O'ylaymiz Aqlimizni Charxlaymiz Musiqa 2-sinf	Metodik qo'llanma	Toshkent — 2002	РТМ
187	О.Хайитов, И.Бурлуцкая, Ш.Зуфарова	Лабораторные исследования горных пород и флюидов	Учебное пособие	Ташкент — 2003	ТДТУ	215	H.Nurmatov, N.Norxo'jaev, A.Mirrahimov	Kichkintoylar Alifbosi	Qo'llanma	Toshkent — 2003 «O'qituvchi»	O'qituvchi nashriyoti SamDU
188	Q.Inomov	Hamshiralik ishi asoslari	Darslik	"Abu Ali ibn Sino" Toshkent — 2003	O'MKHTM	216	Q.Abdullaeva, S.Rahmonbekova	Забони модари (3-синф)	Дарслик	Toshkent — 2003 «Ўзбекистон»	СамДУ
189	У.Иноят, М.Абдуллаев, М.Ҳамидова	Бухгалтерия ҳисоби	Ўқув қўлланма	«Молия» — 2003	ЎМКХТБ	217	А.Воҳидов, З.Ҳожиматова	Забони модари (2-синф)	Дарслик	Toshkent — 2003 «Ўзбекистон»	СамДУ
190	Э.Каримов	Юк автомобиллари	Дарслик	«Шарқ» — 2003	ЎМКЎТБ	Табий умумтаълим фанлари					
191	A.Addullaev, A.Ergashev, H.Aybeshov, X.Abdullaeva	Biznes reja	Amaliy mashg'ulotlar to'plami	«O'qituvchi» — 2003	O'MKHTM	219	M.Mirzaahmedov, A.Rahimqoriyev	Matematika 5-sinf	Uslubiy qo'llanma	«O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Toshkent-2003	РТМ
192	M.Воҳидов, Ш.Мирзаев	Биолог ва иншоотлар конструкциялари	Ўқув қўлланма	Тошкент — «Меҳнат» — 2003	ЎМКХТБ	220	M.Mirzaahmedov, A.Rahimqoriyev	Matematika 5-sinf	Darslik	«O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Toshkent-2003	РТМ
193	Д.Ёрматова, М.Иброҳимов	Мева-сабзавотчилик	Дарслик	Тошкент — 2003	ЎМКХТБ	221	SH.Alimov, M.Mirzaahmedov, O.Xolmuxamedov	Algebra 9-sinf	darslik	«O'qituvchi» «O'zbekiston» — 2002	РТМ
194	Д.Аликулов, Н.Лосева, Б.Аскарходжаев, Б.Мавлянов	Технология токарной обработки	Учебник	Ташкент — 2003	ЎМКХТБ	222	A.To'xtayev, E.Turdiqulov, M.Rasulov, A.Nig'matov, G.Solihova, M.Tillaboyeva	Inson va tabiat	O'qituvchilar uchun qo'llanma	«G'.G'ulom» Toshkent — 2003	РТМ
195	М.Шоумарова, Т.Абдуллаев	Қишлоқ хўжалиги машиналари	Дарслик	Тошкент — «Меҳнат» — 2003	ЎМКХТБ	223	N.Taylaqov	Informatika va hisoblash texnikasi	Darslik	«Ijod dunyosi» Toshkent — 2002	O'PFIT
197	T.Mirzayev, T.Toshmurodov, O.Abdullayev	Soliqlar va soliqqa tortish	O'quv qo'llanma	Toshkent — «Mehnat» — 2003	O'MKHTM	224	N.Bikbayeva, E.Yangabayeva	Matematika 2-sinf	Darslik	«O'qituvchi» — 2003	РТМ
198	N.O'rinov, A.Norqulov, M.Saidova	Material-shunoslik va konstruktion materiallar texnologiyasi	O'quv qo'llanma	Toshkent — «Fan» — 2003	O'MKHTM	225	A.Abduqodirov	Informatika va hisoblash texnikasi asoslari	Darslik	«O'qituvchi» — 2003	«Iste'dod-jam'ar-masi»
199	T.Hamroqulov, A.Ochilov	Dehqonchilik asoslari	O'quv qo'llanma	«Uzin-konsentr» — 2003	O'MKHTM	*Дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар матбуотда эълон қилиниши ёки Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш марказига(Тошкент, 700011, Шота Руставели кўчаси 25-уй) ёзма тақриз шаклида 5 сентябргача юборилиши мумкин.					
200	N.Qosimov	Musiqa folklor ijrochilari	O'quv qo'llanma	«G'.G'ulom» Toshkent-2003	O'MKHTM	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, республика «Истеъдод» жамғармаси					

Mutolaa

«Китоблар яхшиликка етаклар» деган ҳикматли сўзни барчамиз биламиз. Бироқ, бугунги кунда унинг аҳамияти кўпчиликни қизиқтирмаётганини тан олиш лозим. Аксинча, китобларга ҳам қимдир етаклаши керак бўлиб қолди. Гўёки телевизор, радио, интернет каби цивилизация мевалари уларнинг ўрнини эгаллагандай назаримда. Бироқ ҳеч қачон, ҳеч нарса китобнинг ўрнини боса олмайди. Бу билимлар уммони учун вақтинг, маконнинг аҳамияти йўқ. У бизни бир зумда антик даврга, Буюк Уйғонш даврига, ҳаттоки курраи заминимизнинг узоқ келажагига ҳам элтади. Бунинг учун озроқ сабр билан китобларнинг сеҳрли саҳифаларини варақласанг кифоя. Лекин ўқиш билан ўқишнинг фарқи бор албатта, яъни ўқиганда ҳам нимани, қандай ўқишни билиш керак.

КИТОБ ЭНГ ЯҚИН ҲАМРОҶ

Палапартиш ўқиш нафақат кишининг савиясини пасайтиради, балки тафаккурини ўтмаслаштириб, хотирани сусайтиради.

Аваллари ҳам кўп китоб ўқирдим. Унинг ҳақиқий мўъжизавий оламига адабиёт назарияси бўйича ўқитувчим доцент Муҳаббат Шарафиддинова олиб кирдилар. Илгари ўқиган китобларимни, у кишининг маслаҳатлари билан қайтадан ўқиб чиқар эканман, ўзим учун янгидан янги кашфиётлар қилдим. Жаҳон адабиётининг дурдоналарини ўқиб чиқдим.

Муҳаббат опа маслаҳатлари остида тузилган китоблар рўйхатида Михаил Булгаков «Уста ва Маргарита», Пауло Коэльо «Алхимик», Оскар Уайльд «Дорман Грей портрети», Чингиз Айтматов «Қиёмат», «Асрга татигулик кун», Гоголь «Ўлик жонлар», «Ревизор», М.Ф.Достоевский «Жиноят ва жазо», Лев Толстой «Анна Каренина», Оноре де Бальзак «Сағри тери тилсимми», М.Набоков «Приглашение на казнь», А.Камю «Бегона» сингари жаҳон адабиётининг энг нодир намуналари бор эди. Уларни қизиқиб билан ўқир эканман, сўз санъатининг ҳақиқий қудратини ҳис қилгандай бўлдим. Айниқса, кўҳна ва навқирон оламнинг минг бир синоатини англашда сўз, бадий сўз қалит вазифасини ўтайди. Шу боис тенгдошларимни ҳам кўпроқ китоб ўқишга, сўзлар кошонасига қурилган оламнинг гўзалликларини илғашга, улар билан ошиноликка қақираман. Китоб мутулааси ҳамша энг сеvimли машғултимиз бўлмоғи керак.

Гулмира ШУКУРОВА

Qatag'on qurbonlari

Ўзбек фани ва маданиятининг ҳаётбахш илдиэлари олис даврларга бориб тақалишига қарамай, халқимизнинг илмий ва маданий тараққиёти XVI-XIX асрларга келиб, турли тарихий силсилалар туфайли, бошқа илғор халқлардан орқада қолди. XIX аср охири XX аср бошларида жунбушга келган миллий уйғониш ҳаракати халқни ана шу илмий-маърифий, маданий ва иқтисодий қолоқликдан олиб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу кутлуғ мақсадни амалга ошириш йўлларида бири миллий таълим тизимини ислоҳ этиш, ёшларни илғор хорижий мамлакатларга ўқишга юбориш ва замонавий билимга эга бўлган янги авлодларни тарбиялаш эди. XX аср тонгида бошланган бу ҳаракат 1917 йилнинг суронли воқеаларидан кейин ҳам янги тарихий-ижтимоий шароитда давом этди. Шунинг натижасида 20-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб замонавий ўзбек фани ва техникасининг дастлабки қалдирғочлари етишиб чиқдилар. Шулардан бири янги ўзбек тилшунослик фанининг асосчиси Ғози Олим Юнусовдир.

Ғози Олим Юнусов 1893 йили Тошкент шаҳрининг Ширинқудук маҳалласида дунёга келган. Афсуски, Ғози Олим Юнусов қатагон даврининг қурбони бўлганлиги сабабли унинг таржимаи ҳоли ва илмий-педагогик фаолиятига оид маълумотлар бизга узук-юлуқ ҳолда етиб келган. Шунинг учун ҳам биз қуйида МХХ архивида сақланаётган ҳужжатлар асосида олим ҳаёти ва фаолияти қирраларини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Ғози Олим Юнусов Тошкентда дастлабки мадраса таълимини олгач, Вятка губерниясига Сарапул уездининг шу номдаги қишлоғи (ҳозирги Татаристон Республикасига қарашли Агриз тумани)да жойлашган мадрасаи "Бубий"га ўқишга борган. Ушбу мадраса 1811 йили барпо этилган бўлиб, XIX аср охири - XX аср бошларида таниқли татар маърифатпарвари Абдулла Бубий ва унинг сафдошлари туфайли, худди Татаристон ва Бошқирдистондаги "Олия" ҳамда "Хусайния" мадрасалари сингари машҳур бўлган. Ғози Олим Юнусов 30-йилларда Самарқанднинг ижтимоий ва илмий ҳаётида фаол иштирок этган Абдулла Мустақаев (1890-1937) билан шу ерда ўқиб, араб, форс, татар, турк, рус тилларини мукамал ўрганган. У нафақат истеъдодли, балки илмга чанқоқ ёшлардан бўлганлиги сабабли, 1909 йилда мазкур мадрасани тугатгач, 1913 йилга қадар дастлаб Истамбулдаги педагогика институтида, сўнгра Қоҳирадаги "Азҳар" мадрасида ўқишни давом эттирган. Ниҳоят, 1914 йилнинг июль ойида, биринчи жаҳон уруши бошланиши арафасида Тошкентга қайтиб келган.

Ғози Олим Юнусов Истамбулга борганида, у ерда "Турон нашри маориф" жамияти борлигиндан хабар топади. Мазкур жамият "Идтиҳоди тараққий" ташкилоти билан яқин алоқада бўлиб, Ғози Олим Юнусовдан аввалроқ Туркияга келган Фитрат, Мазкур Бурҳонов ва бошқа буюрликлар шу ташкилотга раҳбарлик қилаётган эканлар. Чамаси, Фитрат Ғ.О.Юнусовнинг истиқболи порлоқ эканлигини сезиб, уни "Идтиҳоди тараққий" ва "Турон нашри маориф" жамияти орқали Германияга ўқишга юбормоқчи бўлишган. Аммо биринчи жаҳон урушининг бош-

ланиши Ғ.О.Юнусовнинг келажиги билан боғлиқ ушбу режанинг рўёбга чиқишига имкон бермаган.

Шу нарсаи айтиш жоизки, ўтган асрнинг 20-йилларида Ғози Юнус деган шоир, драматург ва журналист машҳур бўлгани учун Ғози Юнусов матбуотда дастлабки мақолаларини эълон қила бошлаганида, Ғози Юнусдан фарқланиш мақсадида, ўзига Ғози Олим тахаллусини олган. У ҳатто расмий ҳужжатларда ҳам ўзини Ғози Олим Юнусов деб юритган. Шунинг учун ҳам биз қуйида Ғози Олим тахаллусидан фойдаланган ҳолда у ҳақда сўз юритишимиз ўринли бўлади.

Ғози Олим Тошкентга келган вақтда "Турон" жамияти ташкил этилган, бу жамият фаолиятида эса Абдулла Авлоний ва Низомиддин Хўжаев сингари шу даврнинг таниқли намояндлари пешқадамлик қилишмоқда эди. Ғози Олим ҳам улар билан биргаликда жамият ишларида фаоллик кўрсатади.

шарқшунос Фуод Кўпрулузодини уларга ҳамроҳ сифатида қўшиб юбормоқчи ҳам бўлади. Аммо Ғози Олим ҳам, С.Миржалилов ҳам Ф.Кўпрулузодининг ҳамроҳлик қилишига эҳтиёж сезмай, Талъат пошонинг таклифини шарқона лутф билан рад этадилар.

МХХ архивидаги ҳужжатлар орасида Ғози Олим истиқлолчилик фаолиятининг кейинги даврини ёритадиган бирорта ҳам факт йўқ. Таҳмин қилиш мумкинки, Россия махсус хизмати вакиллари нафақат Бехбудийнинг, балки С.Миржалилов ва Ғози Олимнинг ҳам Женевага боришларига имкон бермаган: улар Тошкентга қайтиб келишга мажбур бўлганлар.

Туркия сафари бирор натижа бермаганига қарамай, Ғози Олим Тошкентга қайтгач, ўз олдига ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш вазифасини қўйган. "Турк ўчоғи" қабилидаги уюшма ёки гуруҳни тузмоқчи бўлади. Аммо бунга ҳам имкон берилмагач, 1923-1924 йилларда у қандайдир

қарувчи омил бўлишини айтган. Шундай пайтда тилшуносларнинг республика худудларидаги жой, қабила ва элат номларини ўрганишлари ва уларни тарих учун қолдиришлари зарурлигини таъкидлаган. Ўзи ҳам қисман шу мақсадда республиканинг турли воҳаларига бир неча бор илмий экспедициялар уюштирган. Шу экспедицияларга Е.Д.Поливанов, И.А.Батманов, К.К.Юдахин, А.К.Боровков, Элбек, Қаюм Рамазон сингари тажрибали тилшунос ва фольклоршунослар билан бирга Найм Саид, Турсун Иброҳимов, Собир Иброҳимов, Сафо Зуфарий сингари ёшларни ҳам таклиф этган.

Шундай экспедицияларда иштирок этган Сафо Зуфарий Ғози Олимнинг юқорида номлари тилга олинган атоқли тилшунос олимлар олдига ҳам катта ҳурматга эга эканлигини ва уларнинг устоз

каттагина парчани эълон қилган. Кези келганда айтиш жоизки, у атоқли фольклоршунос олим Ғози Зарифда ўзбек халқ оғзаки ижодини ўрганиш ишига рағбат уйғотиб, у нашрга тайёрлаган "Шайбонийхон" достонига муҳаррирлик қилган.

Бундан ташқари Ғози Олим 20-30 йилларда "Ўзбек матбуотининг ҳоли", "Энг сўнгги жавоб" (матбуот тўғрисида), "Болалар адабиёти тўғрисида бир фикр", "Адабиёт тўғрисида хато назария", "Ўғиз адабиётида синфий туйғулар", "Лайли-Мажнун", "Алла тўғрисида бир-икки оғиз сўз", "Ўрта Осиё туркларининг янги алифбеси", "Ўзбек тилининг товушлари", "Зиёлилар ким, зиёлилар ким?" сингари қатор мақолалари билан ҳам тилшунослик, ҳам матбуот, ҳам адабиёт, ҳам фольклоршунослик учун муҳим аҳамиятга молик масалаларни кўтарган.

Шу йилларда ижтимоий-гуманитар фанлар оламига кириб келаётган ёшларни тарбиялашнинг, халқнинг умумий савиясини кўтаришнинг асосий шартларидан бири рус ва жаҳон олимларининг энг яхши асарларини ўзбек тилига таржима қилиш эди. Ғози Олим ҳам шу масалага алоҳида эътибор бериб, таниқли рус шарқшунослари қаламига мансуб бир неча асарни, шу жумладан, В.В.Бартольднинг жаҳон тарихининг муҳим бир қисмини ташкил этган ислом тамаддунини тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи "Муслмончилик маданияти" китобини ўзбек тилига ўғирди.

Алоҳияти энди ўзининг ёрқин самараларини бераётган пайтда 37-йилнинг даҳшатли гулдираклари бошланиб кетди. Ўша йилнинг 2 июлидан 3 июлга ўтар кечаси НКВД ходимлари олимни дала ҳовлисида қўлга олиб, қўлларини боғлаган ҳолда хотини билан шаҳардаги уйига олиб келдилар. Тинтув эрталабга қадар давом этди. Сўнг Ғози Олимни, 1 октябрда эса хотини Валентина Ивановнани маҳбусхонага олиб кетдилар. Олимнинг уйи ва мол-мулки мусодара этилиб, 12 яшар Эрик, 11 яшар Мирра, 10 яшар Оскар ва 8 яшар Камилла деган фарзандлари давлат ихтиёридаги етимхоналарга, меҳнат қобилиятини йўқотган бечора акаси Исмоил Юнусов эса ижтимоий таъминот ихтиёридаги мусофирхоналардан бирига жўнатилди.

Орадан бир йилу тўрт ой ўтганидан кейин Валентина Ивановна Совет давлати олдига гуноҳкор бўлмагани учун 1938 йил 7 февралда озодликка эришди. Аммо у қанча ҳаракат қилмасин, эрининг на гоят бой кутубхонасини, на эълон қилинмаган асарларининг қўлёзмаларини қайтариб ололмади.

Ўзбек тилшунослик фанининг ёрқин юлдузи Ғози Олим Юнусов эса, 1938 йил 4 октябрда Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Фитратлар билан бирга Тошкентда "халқ душмани" сифатида отиб ташланди.

Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги илмий жамоатчилик Ғози Олим Юнусовнинг ўзбек тилшунослик фани олдидики катта хизматларини яхши билганларига қарамай, ҳанузгача унинг меросини тўплаш, ўрганиш ва нашр этишга, унинг хотирасини абадийлаштириш масалаларига лоқайдлик билан қараб келмоқдалар.

Наим КАРИМОВ

БИРИНЧИ ЎЗБЕК ТИЛШУНОСИ

1917 йил октябрида Тошкентда большевиклар ҳокимиятни қўлга олишлари билан тараққийпарвар маҳаллий зиёлилар ўша ойнанинг 26-29 кунларида Кўқонда муслмонларнинг фавқуллодда қурултойини чақириб, Туркистон Мухторият ҳукуматининг тузилганини эълон қилдилар. Ғози Олим қурултой ишида қатнашибгина қолмай, Туркистон Мухториятини большевиклар ҳужумидан сақлаб қолиш мақсадида генерал Дутов ва кадетлар партияси билан иттифоқ тузишни таклиф этади. Мухторият тугатилгандан кейин эса Туркия ҳукумати ва "Идтиҳоди тараққий" ташкилоти билан алоқа ўрнатиш ҳамда Туркистоннинг мустақиллиги учун курашда улардан ёрдам олиш мақсадида Нуриддин Худоёрхон билан бирга Истамбулга боради. Маълумки, шу вақтда ва айна мақсадда Самарқанддан Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам сафарга отланган эди. У Тошкентдан йўлга чиққан таниқли маърифатпарвар ва тадбиркор Саидносир Миржалилов билан Бокуда учрашиб, у билан бирга Антанта давлатлари раҳбарлари ҳузурига бормоқчи ва улардан Туркистонни большевиклардан халос этиш масаласида ёрдам сўрамоқчи эди. Аммо Бехбудий Қаршида ушланиб, қатл этилгач, С.Миржалилов аввалги ниятидан қайтиб, Истамбулга боради ва у ерда Ғози Олим билан учрашиб, сўнг унинг ёрдамида Талъат пошонинг қабулида бўладилар. Талъат пошо эса шу кеча-кундузда Туркистон истиқлолчиларига ёрдам бериш Совет Россияси билан яхшиланиб бораётган алоқага раҳна солиши мумкинлигини эътиборга олиб, Женевага, Миллатлар Лигасига боришни уларга маслаҳат беради. Ҳатто бир неча хорижий тилни билган машҳур адабиётшунос ва

савдо жамиятида раҳбар бўлиб ишлайди. Маҳбус ижтимоий фаолияти ҳақидаги анкета саволларига берган жавобидан инқилобга қадар Тошкентда Волга-Кама тижорат банкида хизмат қилганлигини айтганки, юқорида тилга олинган савдо жамияти ана шу банк ёки унинг бир бўлими бўлиши мумкин.

Ғози Олим ҳақидаги айрим манбаларда унинг шу йилларда республика Адлия халқ комиссарлигида масъул ходим бўлиб ишлаганлиги ва ҳуқуқий ҳужжатларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилганлиги ҳам айтилган.

Аммо шу нарса аниқки, Ғози Олим Юнусов 1925 йили Самарқандга ишга таклиф этилиши билан унинг ҳаёти ва ижтимоий фаолиятида янги давр бошланади. У Маориф халқ комиссарлиги ҳамда мазкур комиссарлик ҳузуридики тил ва терминология комитетида илмий котиб сифатида иш олиб боради. Кейинчалик Акмал Икромов номидаги Самарқанд педагогика институти (педакадемия)да ўзбек тили кафедрасининг профессори сифатида қизғин педагогик фаолият билан машғул бўлади.

Шу йилларда тил Совет давлати миллий сиёсатининг асосий қуролларидан бирига айланиб бораётган, давлат ва партиянинг тазйиқи билан қатор республикаларда, хусусан Ўзбекистонда анъанавий араб ёзувидан лотин ёзувига ўтиш тадориғи кўрилаётган эди. Таниқли тилшунос Собиржон Иброҳимовнинг хотирлашича, Ғози Олим 1929 йили Самарқандда шогирдига шу ҳақда қуйиниб сўзлар экан, бир ёзувдан иккинчи ёзувга ўтиш халқни саводсизликка, ўтмиш маданиятидан узоклашишга олиб келувчи, илмий жараёни издан чи-

олдида ҳар бир сўзни обдон ўйлаб, чертиб, сўнг айтишларини тез-тез эслар эди.

Ғози Олим шу даврда хизмат юзасидан Москва ва айниқса, Ленинграддаги тилшунос олимлар билан яқин алоқа ўрнатиб, ўзбек тилшуносларининг янги авлодини шакллантириш бўйича самарали ишларни амалга оширди. Кейинчалик бу шогирдларнинг ўзлари ҳам устоз билан бирга ҳибса олинганларида, унинг катта тилшунос олим бўлганлигини алоҳида таъкидлаганлар. Чиндан ҳам, Ғози Олим Юнусов XX асрдаги биринчи ўзбек тилшуноси сифатида "Ўзбек уруғларидан қатагонлар ва уларнинг тили" (1930), "Юридик терминлар лўғати", "Ўзбек лаҳжалари таснифида бир таҳриба", "Ўзбек тили грамматикаси" (1936, сўнгги асар нашр этилмай қолган) китобларини яратди. Олимнинг ҳам грамматика, ҳам шевашунослик, ҳам атамашунослик масалаларига бағишланган дарслик ва қўлланмалари унинг серқирра тилшунос олим бўлганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Агар биз Ғози Олим қаламига мансуб мақолаларнинг тўла бўлмаган рўйхатига назар ташласак, унинг айна пайтда ўзбек халқ оғзаки ижоди, замонавий ўзбек адабиёти ва матбуоти ҳақида ҳам асосли билимга эга бўлгани ҳам ойдинлашади. Дарвоқе, Ғози Олим ўзбек халқ эпоси — "Алпомиш" достонини биринчи бўлиб ёза ва ўргана бошлаган олимдир. У 1922 йилда ёзилган "Ўзбекларда эл таниш" мақоласида бошқа қатор халқ достонлари қаторида "Алпомиш" достони тўғрисида ҳам илк маълумот берган бўлса, "Билим ўчоғи" журналининг 1923 йил сонидики "Алпомиш" достонига муқаддима" номли мақоласи билан бирга достондан

ЖУРНАЛИСТ КЎП НАРСАГА ҚОДИР

"The Sun" газетасининг журналисти Энтони Фрэнс сохта ҳужжатлар расмийлаштириб, Британиянинг энг ҳашаматли аэропорти Хитрога самолётларга юк ташувчи бўлиб ишга кирган. Аслида эса, у журналист текшируви ўтказмоқчи бўлган. Унинг асл мақсади, аэропорт хавфсизлик хизмати фаолиятини текшириш бўлган. Иш бошлаганидан бир неча кунлар ўтгач, Энтони Фрэнс қўлбола ясалган, 200 граммча келадиган портловчи моддани самолёт бағажига бемалол олиб кириб,



ёқилги сақлаш мосламаси ёнига жойлаб қўйган. Ҳазил тариқасида портловчи модданинг ёнида суратга тушган. Ваҳоланки, аэропорт қонун-қонидасига кўра, топқир журналист самолёт ичкарасига кириш ҳуқуқига эга бўлмаган. Хавфсизлик хизмати ходимларининг совуққонлиги натижасида у самолёт ичидида бир неча соат қолиб кетган.

Ушбу суратлар ва мақола чоп этилгандан сўнг мамлакатда катта шов-шув кўтарилди. Журналистнинг айтишича, агарда у Ал-Қоида аъзоси бўлганида, бемалол 220 кишининг жонига қасд қилиши мумкин эди.

ЯПОНИЯ КУЧЛИ ТЎФОН ОСТИДА ҚОЛДИ

Япония жанубида яшайётган аҳолининг 5,5 минги кучли тўфондан азият чекиш эҳтимоли сабабли худуддан эвакуация қилиниши ҳақида огоҳлантирилган. Шунга қарамай, "Аэре" тўфони оқибатида бир неча киши дунёдан кўз юмган. Шамол соатига 144 километри ташкил қилиб, ўз йўлида учраган ҳар қандай тўсиқни учириб кетган. Бу ҳақда ИТАР-ТАСС агентлиги хабар тарқатган.

Окинава ва Кагосима шаҳарларида кучли шамол аралаш ёғайётган ёмғир ер кўчкларига сабаб бўлмоқда. Об-ҳавонинг кузатиш бошқармасининг хабар беришича, "Аэре"дан сўнг навбат "Таба" дея номланган табиий офатга келади. Унинг шамоли соатига 200 километр тезлик билан ҳаракатланади.

Япониянинг бир қатор ороллари бундай вазиятга тайёргарлик кўриб, аҳоли эса ўз хонадонларини мустаҳкамлашга киришиб кетган. Об-ҳаво мутахассисларининг айтишича, иқлимнинг мўътадил исиши эндиликда сув тошқинларига сабаб бўлиши мумкин.

СУДАНДА ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?

Судан ҳукумати ва икки исёнчи гуруҳ Дарфурдаги бўҳронни тўхтатиш юзасидан музокаралар ўтказмоқда. Музокаралар Нигерия пойтахти Абужада бўлиб ўтмоқда. Судан ҳукумати қора танлилардан ташкил топган исёнчилар гуруҳини Дарфурдаги гуманитар бўҳрон келиб чиқишида айбламоқда.

Шу билан бирга "Жонжавид" номли араб жангарилари гуруҳини қўллаб-қувватлагани ҳақидаги маълумотларни инкор этмоқда.

Дарфур вилоятида юзга келган бўҳрон натижасида 50 мингдан ортиқ одам ўлдирилиб, миллиондан ортиқ одам ўз уйини тарк этишга мажбур қилинган.

ПХЕНЯНИНГ ЯДРО ДАСТУРИ

Расмий Пхеня ўз ядровий дастури юзасидан Вашингтон билан ҳар қандай музокаралар олиб боришдан бош тортишини билдирди.

Шимолий Корея расмийлари маълумотларига кўра, Оқ уй Пхеня ядровий дастурига нисбатан душманлик қилаётгани сабаб 6 мамлакат иштирокидаги музокаралар бошланмапти. Шимолий Корея, Жанубий Корея, АҚШ, Хитой, Россия ва Япония иштирокидаги олти томонлама музокараларнинг навбатдагиси сентябрь ойига мўлжалланган эди. Оқ уй Пхеня ҳукуматидан ядровий дастур устида иш олиб боришни тўхтатишини талаб қилмоқда. Шимолий Корея эса унинг эвазига АҚШдан ҳужум қилмаслик ҳақида кафолат ва моллий компенсация талаб қилаётир.

Интернет манбалари асосида Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ ва Шаҳобиддин МУСАЕВ тайёрлади.

Тошкент Давлат авиация институти раҳбарияти ва касаба уюшма жамоаси институтнинг "Олий математика" кафедраси катта ўқитувчиси Мансур ЮЛДАШЕВнинг вафот этганлиги туфайли унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради ва таъзия изҳор этади.

ГЕРМАНИЯДА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ахборот ва телекоммуникация технологиялари Германия бир йиллик ялпи ички маҳсулотининг деярли 6-7 фоизини ташкил қилади. "Европа ахборот технологияларини ўрганиш" компаниясининг хабар беришича, мамлакат дунёдаги энг самарали телекоммуникация инфратузилмаларидан бирига эга.

82,6 миллион киши истиқомат қиладиган ушбу мамлакатда 29 миллион дона шахсий компьютер бор. Германияда интернет тармоғининг оммалашиб бораётгани кузатилмоқда. Буни ҳар йили 4-5 миллион киши тармоққа обуна бўлаётганида ҳам кўриш мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, 2005 йилга бориб Германия аҳолисининг 60 фоиздан зиёди ушбу халқаро тармоққа уланади.

2003 йил якунларига кўра уяли алоқа воситасидан фойдаланувчилар

63 миллион кишини ташкил қилган бўлса, 2005 йилга бориб бу кўрсаткич 70 миллионга етиши кутилмоқда. Мамлакат аҳолисини янги UMTS (универсал уяли телекоммуникация тармоғи) қурилмаси ўзига жалб қилмоқда. Бу тармоқ GSM ва бошқа замонавий уяли алоқа воситаларига нисбатан 5-20 баробар тез ишлаш қудратига эга.

Германия электрон савдоси бўйича ҳам дунёда етакчилардан ҳисобланиб, ундан келадиган фойда йилга 83 миллиард евродан ошмоқда. Масалан, ўтган йили 13 миллион киши интернет орқали магазинларга буюртма бериб, турли маҳсулотлар харид қилган.

Мамлакат сунъий йўлдош антенналари сонининг кўплиги бўйича Европада Австриядан кейинги иккинчи ўринни эгаллайди. 100 оилага 39 та

ана шундай антенна тўғри келади, Австрияда эса-48 та.

"Deutsche Telekom" концерни дунёда уяли телефон ва унинг интернет тизимига уланиши бўйича биринчи ўринда туради. Шундай бўлсада, мамлакатда интернет сифатини аъло даражада, деб бўлмади. Масалан, 2003 йилда мамлакатнинг 100 минг одам яшайдиган шаҳарчасида ўртача 8 та умумий бепул интернет терминаллари мавжуд бўлган. Бу кўрсаткич Ирландия ва Финландияда 50 дан ошади. Буюк Британия, Швеция ва Финландияда тиббиётнинг барча соҳаси интернет тармоғи билан таъминланган бир вақтда, Германияда бу кўрсаткич 55 фоизни ташкил қилмоқда.

Абдуҳаким Сойибжонов, "Жаҳон" АА

Dunyo okeanlari

Газетанинг аввалги сонларидан бирида дунёнинг бешинчи океани ҳақида қисман маълумот берган эдик. Мазкур мақолада бешинчи океан хусусиятлари ҳақида кенгроқ тўхталиб ўтишни лозим топдик. Ер шари майдонининг 510 млн.кв.км.дан 361 млн. кв.км. қисми сувли эканлиги, Дунё океанининг мавжудлиги исботланганидан сўнг океанларни ажратиб масаласи узоқ давом этган мунозараларга сабаб бўлди. Дунё қисмларини ажратиш масаласи 1650 йилдаёқ Б.Варениус томонидан мантиқан тўғри ечилган эди. Унинг фикрини XX асрнинг 50-60-йилларида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари — узил-кесил ҳал қилди ва исботлади. Фақат Б.Варениус бешинчи океани Жанубий Муз океани деб атаган бўлса, эндиликда тадқиқотчи олимлар янги тўпланган маълумотларга асосланиб, унга Жанубий океан деб ном беришди. Айни пайтда халқаро океанографик ташкилотлар томонидан нашр этилаётган илмий асарларда, карталарда, олий ва ўрта мактаб дарсликларидида Тинч, Атлантика, Ҳинд ва Шимолий Муз океани билан бир қаторда Дунё океанининг мустақил қисми тариқасида Жанубий океан тўғрисида маълумотлар берилмоқда.

ЖАНУБИЙ ОКЕАННИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

қасимон ўраб олган жанубий қисмларини эгаллайди. Шимолда Жанубий Америка, Африка ва Австралия материкларининг жанубий соҳилларига, Фарбий шимоллар оқимининг шимолий чегарасига (тахминан 40° ш.к.) туташади. Жанубда Антарктиданинг музли қирғоқлари билан чегараланади. Жанубий океаннинг шу чегарадаги майдони 86 млн.кв.км. Бунинг ҳисобига Тинч океанининг майдони 180 млн.кв.км.дан 144 млн.кв.км.га, Атлантика океани 91 млн.кв.км.дан 75 млн.кв.км.га ва Ҳинд океани 76 млн.кв.км.дан 42 млн.кв.км.га қисқарди. Шу боисдан бўлса керак, Жанубий океанининг таркибий қисмлари бўлган Тинч, Атлантика ва Ҳинд океани секторлари мавжуд. Унга тавсиф берилганида ушбу секторлар тилга олинади.

Тадқиқ этилиши. Жанубий океан тўғрисидаги дастлабки маълумотларни машҳур португалиялик денгизчилар XVI асрларнинг бошларида тўплаган. Ёзма манбаларга қараганда, улар шу пайтларда Антарктидага ҳам борган. Ер шарини уч марта айланиб сузган голландиялик денгизчи биринчи бўлиб жанубий кутб доирасидан ва Антарктидани тўлиқ айланиб сузиб ўтган (1772-1775 й.). Жанубий Георгий оролида тюленларнинг жуда кўплиги, айсбергларнинг ҳосил бўлиши, музларнинг тарқа-

лиши, океан чуқурлиги, ҳаво ҳарорати, оқимлар ҳақида янги маълумотлар тўплаган. Афсуслар бўлсинки, тюленларнинг кўп овланиши шу кашфиёт сабабли бошланди ва кейинчалик деярли қириб юборилди. 1819-1821 йилларда Антарктида экспедицияси раҳбарлари Ф.Ф.Беллоинсгаузен ва М.П.Лазерёвлар "Восток" ва "Мирный" кемаларида Антарктидани

лари олиб борилди. Айниқса, Халқаро геофизик йилда (1957-1958 й.) ва Халқаро геофизик ҳамкорлик (1959-1963 й.) пайтида пухта ишлаб чиқилган дастурлар асосида Антарктика сувлари ва Антарктида материгини тадқиқ этиш янада жонланди. Бу ишларда 11 та давлат, шу жумладан, собиқ иттифоқ олимлари ҳам иштирок этишди. Бунинг натижасида атласлар, "Жанубий океан" номли асар, махсус Халқаро океанографик ташкилотлар тузилди. Дунё океанининг мустақил ва ўзига хос қисми тариқасида Жанубий океани ажратиш ва ўрганиш зарурлиги ҳақида қарорлар қабул қилинди.

Геологик тузилиши ва фойдали қазилмалари. Жанубий океан геологик тузилишига кўра асосан, Антарктида литосфера плитасида жойлашган. Лекин Жанубий Америка, Ҳинд-Австралия ва Тинч океани литосфера плиталарининг энг жанубий қисмлари қисман Жанубий океан худудига тегишли. Жанубий океанда фойдали қазилмалар энг кам учрайди. Океаннинг Жанубий Америка, Африка, Австралия, Янги Зеландияга туташ шельфларида сочма ва рудали титан, темир, олтин, фосфорит конлари мавжуд. Темир-марганец конкрециялари Ҳинд (энг кўп), Тинч ва қисман Атлантика океани секторларида учрайди.

Океан туби рельефи. Сув тагида Дунё океанига хос рельеф шакллари тарқиб топган. Антарктидани ўраб турган денгиз саёзлиги, яъни шельф унча кенг эмас. Уларнинг кенглиги ўрта ҳисобда 150-160 км. Лекин Росс ва Уэдделл денгизларида 1000-1100 км.га боради. Шельфнинг чуқурлиги асосан 200 м.дан ошади. Материк ёнбағри Антарктиданинг шарқий қисмида кенг бўлиб, кучли парчаланган.

Океан тубида тоғ тизмалари: Австралия-Антарктида, Фарбий Ҳинд, Кергелен, Жанубий Атлантика ва бошқалар, йирик ботиқлар (Африка-Антарктика — 6787 м., Австралия — 6098 м, Беллинггаузен — 5399 м.) каби кўтарилмалар мавжуд. (Давоми бор.)

А.СОАТОВ, ЎЗМУ доценти, З.РАЙИМЖОНОВ, ТДПУ доценти, М.ТИЛЛАБОЕВА, РТМ бош методисти

ТАЪТИЛАДАГИ
БОЛАЛАР
«КУВНОКЛАР
БЕКАТИ»ДА

Юнусобод тумани ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази таътил даврида ҳам ўқувчилар билан гавжум бўлмоқда. Яқинда ЎЁТИМда «Кувноклар бекати» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унга 97, 253, 258, 273-мактаблар қошида иш олиб бораётган дам олиш майдончаларидаги кувнок болалар таклиф этилди. Дам олувчилар «Кабутар», «Семурғ», «Қалдирғоч», «Хумо» гуруҳларига бўлиниб, ҳар бир бекатдаги шартларни бажардилар.

Yoz — o'tmoqda soz

«Соғломжон — полвонжон» бекатидан 253-мактаб ўқувчилари С.Хусанова, Н.Маҳмудова, 258-мактаб ўқувчилари О.Асқарова, Ш.Турсуновалар ғолиб бўлишиб, махсус совғалар билан тақдирландилар.

— ЎЁТИМда ёз давомида бундай тадбирлар кўп ўтказилди. З.Юмакаева, О.Жалолова, Ш.Аҳмедова, М.Мажидова каби устозлар ўз хунар сирларини болаларга ўргатмоқдалар. «Чаққон қизлар» танлови, «Билимдонлар», «Моҳир уста», «Ширин шашка», «Кувноклар мозаикаси» каби тадбирлар ҳам кўнгулдагидек ўтказилди, — дейди ЎЁТИМ маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Раъно Асқарова. — 97-мактаб қизлари — Н.Хасанова, Ш.Эргашева, Д.Рустамова, С.Носирова, М.Солиховалар билимдонликлари, чаққон ва ҳозиржавобликлари билан кўпчиликка танилиб ҳам қолишди.

Албатта, бундай тадбирлар ҳали яна давом этади.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Бахт тушунчаси ҳар бир инсон учун ўзига хос талқин ва маънога эга. Кимгадир бахт яхшигина пул топишда, кимгадир оиласининг тинч бўлиши, фарзандини соғ-саломат кўриш, кимгадир ота-онаси дуойи-фотиҳасини олиб яшаш, кимгадир севган киши билан умргузаронлик қилишидадир. Биз бу бахтга эришишни, хоҳишларимизнинг ҳаммаси рўёбга чиқишини истаймиз. Шунинг учун тинмай ҳаракат қиламиз.

Олиб борилган тадқиқот сўровларидан шу нарсага амин бўлдики, ҳеч ким

га бағишланг. Инсон яхши кўрган иши билан кўп банд бўлса ҳам чарчамайди. Агар қилаётган ишингиз ёқмас, у ҳолда бундай ишни алмаштиришга ҳаракат қилинг. Шундай қилсангиз, жамият учун ҳам, ўзингиз учун ҳам самаралироқ бўлади. Одамнинг олиб бораётган иши унга азоб эмас, балки завқ бериши кераклигини ёдингизда тутинг. Учунчидан, бошқа одамларга беғараз ёрдам бериш хоҳиши, яъни альтруизм ҳиссининг бўлгани яхши. Бу орқали ўзингизга нисбатан ҳурматингиз ошади («мен ҳар

Mutaxassis maslahati

кин. Бешинчидан, ҳаёт тарзи, юриш-туриш, кийим-кечак кийишда ҳадеб бир хиллик эмас, янгиликларга интилиш керак. Ҳеч бўлмаганда кийинишда композицияни тушуниш лозим. Бу дегани фақат янги кийимлар кийиш эмас, борларидан янгилик яратишдир. Сабаби, иш ва яшаш шароитимизда янгиликлар кузатилса, бизда қизиқиш ортади. Инсон борки, янгиликларга интилади. Бир хиллик эса зеркиш ва тўйинишга олиб келади. Шунинг учун янгиликларни яратишга ҳаракат қилиш зарур. Олтинчидан, агар гоҳида кайфиятингиз тушкун бўлса, ўзингизни бахтсиз, ночордек ҳис эта бошласангиз, сира ҳам ташвишланманг: «ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ» бўлади. Чунки, ҳаётда психологик мятник қонуни амал қилади. Яхши ҳолат қанчалик кўп бўлса, унинг акси ҳам келиши мумкиндир. Ва ниҳоят ўзингизни синаб кўринг. Нима Сизнинг кайфиятингизни кўтарайди-ю, нима унга салбий таъсир этади? Нимадан кувонсангиз, унга кўпроқ интилинг, жаҳлингизни чиқарадиган ҳолатлардан узоқроқ бўлишга ҳаракат қилинг. Шунинг учун психологлар фикрига кўра: «Бахтли бўлишни истаган одам ўзини бахтиёр тутиш керак»лигини унутманг.

Кўпинча бирор ишимиз бароридан келмаса, жаҳдимиз чиқади. Ниятимиз амалга ошмаганидан хуноб бўламиз, ўзимизни ожизу нотавон сезамиз. Ваҳоланки, ҳаётда энг муҳими бу эмас. Тирикликнинг ўзи мўъжиза, яшашнинг ўзи бахт. Фақат шуни ҳис қила олсак бас. Бунинг учун эса, еттига кичик амални тавсия қиладик. Уларни бажарсангиз, инсоний мўъжиза — бахт сизники бўлади. Бунга ишонаверинг.

Феруза АКРАМОВА,
психология фанлари номзоди

БАХТЛИ БЎЛИШНИ
ХОҲЛАЙМИЗ, АММО...

бахтдан юз ўтиришни истамайди, билъакс унга интилади. Бахтни ҳис этиб яшашга одамга қанот беради, уни руҳлантиради, ҳаётга завқ-шавқини оширади. Шундай экан, қандай қилиб бахтли яшаш мумкинлигига оид баъзи бир психологик маслаҳатларни билиб қўйиш фойдадан холи бўлмайди. Аҳамиятли томони шундаки, бу усуллар жуда оддий, пул талаб этмайди, энг асосийси инсонда истақ, хоҳиш бўлса, бахт ҳиссини чинакам туюш мумкин. Демак, биринчи тавсиямиз, яқин кишиларингизни севинг, уларга меҳрибонлик, эътибор кўрсатишда хасис бўлманг. Севиш эса — бу яқин кишингиздаги мавжуд инсоний фазилатларнинг яхшиларини кўра олиш, салбийларини танқид қилмаслик эканини билдиради. Иккинчидан, кучингизни асосан ўзингиз севган машғулот, касб ва фаолиятингиз

ҳолда бугун фалончига ёрдам бера олдим», бу билан танангиздан жисмоний ва руҳий ҳолатингиздан психологик зўриқишни баргараф этасиз. Инсонларга ёрдам бера олиш ўз навбатида низо-ларни, стресс ҳолатларини йўқотади. Бу эса ҳаётдан қониқиш олиб яшашга ундайди. Тўртинчидан, ҳаётда жисмоний фаол бўлиш лозим. Чунки жисмоний фаоллик пайтида инсон миясида ўзига хос табиий моддалар, яъни эндорфинлар ишлаб чиқилади. Бу моддалар ўз навбатида кишига завқ, лаззат ва бахтни бера олади. Шунинг учун спортнинг исталган бирор тури билан шуғулланишга, ҳаракатчан бўлишга интилиш керак. Ёқимли мусиқага мос рақс тушиш, қишда эрталаб ёққан қордан йўлакни тозалаш, ер қошиш ва ҳатто машаққат билан дераза ойналарини ювиш ҳам бахт ҳиссини бериши мум-

Оила жамиятнинг бирламчи бўғинидир. Ҳаёт оиладан бошланади. Ўзбекистонда ҳар йили 170 минг ёш оила қурилади, 540-550 минг бола туғилади.

Оила кишиларнинг қонқариндошлик, мулк ва манфат умумийлиги ҳамда талаб-эҳтиёжларини биргаликда қондиришга асосланган, мақсади ягона бўлган мажмуа, яъни микроижтимоий тузилмадир.

Ўзбекистон Республикасида оила мустақамлигини таъминлайдиган 5 функция борлигини эътироф этмоқчимиз. Булар: соғлом авлодни давом эттириш; бола тарбияси; оила бюджетини оқилона тақсимлаш; оилада муомала маданияти; бўш вақтни тўғри ташкил қилиш; қарияларга ғамхўрлик. Бу функциялар бажарилмас экан, оиланинг инқирозга юз тутиш эҳтимоли кучаяди. Функциялардан келиб чиқиб, соғлом авлодни давом эттириш, бола тарбияси ва оила бюджетини оқилона тақсимлаш муаммоларига тўхталгани лозим, деб топдик.

Бола туғилиши маънавий кувонч келтиради, бироқ болалар харажати уларнинг туғилишидан бошланиб, вояга етиб ўз-ўзини пул билан таъминлагунча бўлган даврни ўз ичига олади. Булардан ташқари, ота-онанинг бола тарбиясига кетган вақти ҳам харажатга киради. Бу ҳол оила даромадини қисқартиради. Биз оилада фарзанд тарбияси учун сарфланган харажатларни ҳисоб-китоб қилмаганмиз. Бу бемаъ-

ниликдек туюлса-да, уни ҳисоблаш керак. Аввало, оилада тарбия қимматлашаётган шароитда, оила ўз имконига қараб нечта фарзанд кўриш маъқул эканлигини аниқлаши лозим. Оилаларнинг ички тузилиши бир хил эмаслигини ҳисобга олсак, болалар сонининг меъёрини аниқлаш, жон бошига топиладиган даромад ва оила ихтиёридаги мол-мулк (уй, хонадон, машина, дала ҳовли,

ва харажатлари ўртасидаги миқдорий муносабатдир. Бюджет оила қанча даромад топиб, қанча харажат қилганини, аниқроғи, оиланинг кирим-чиқими, яъни молиявий аҳволини билдиради. Фикримизча, даромад ва харажат мувозанати оила даромади ва харажати ўртасида узвий монандлик бўлишини талаб қилади, аммо муайян вақтда улар мос тушмаслиги ҳам мумкин. Харажатлар даро-

ди ва ўз мулкани сотишига тўғри келади. Шу боис даромадлар ва харажатларни мувофиқлаштириб бориш оила бюджетини тузишдаги муҳим тамойил ҳисобланади. Оила рўзгорини пала-партиш юришти маъқул эмас, чунки бозор иқтисодидаги ноаниқлик оилани четлаб ўтмайди. Оила кутилмаганда даромаднинг бир қисмини йўқотиши ёки мўлжалланмаган харажатга дуч келиши мумкин. Шу са-

ОИЛА БЮДЖЕТИ:

УНИ РЕЖАЛАШТИРИШ КЕРАКМИ?

уй-жиҳозлари, банкдаги пул, сақланаётган акция миқдори) мезон қилиб олиншига боғлиқ. Бу борада болага оилада бериладиган маънавий, маърифий, жисмоний тарбия ҳам унутилмаслиги лозим. Ота-онанинг тўғри қарорга келиши учун уларда, албатта, иқтисодий маданият тўғри шаклланган бўлиши керак. Бунинг учун ҳар бир ота-она, фарзандлар оиланинг иқтисодий функцияси — оила иқтисоди, бюджети, даромади, кундалик харажати каби иқтисодий категорияларнинг ҳаётий моҳиятидан хабардор бўлиши лозим.

Энди оила бюджетини тақсимлаш функцияси ҳақида фикр юритамиз. Оила иқтисодий фаолияти унинг бюджетиде мужассамлашади. Оила бюджети унинг даромадлари

маддан кам бўлганда, даромаддан бир қисмининг ишлатилиши кечиктирилади, чунки оила маълум эҳтиёжини бошқа вақтга қолдиради. (Саёҳат қилиш, тўй ёки бошқа маърака ўтказиш кабилар.)

Оила харажати даромаддан ортиб кетиш ҳоллари ҳам бўлиб туради. Бунинг сабаби турлича: биринчидан, оила олдин жамғарган пулини даромадига қўшиб сарфлайди, иккинчидан, оилада натурал даромад камайиб кетса, пулини озик-овқатга кўпроқ сарфлайди, учунчидан, оила қарз кўтариб харажат қилади. Оила иқтисодининг муҳим талаби даромадлар билан харажатларнинг тенг бўлишидир, чунки оила бюджетиде камоматда йўл қўйиб бўлмайди. Агар харажат ортиб борса, оила қарздор бўлиб қола-

бабли оилада пул захираси бўлиши шарт. Оила бюджети режалаштирилганда, унинг тахминий миқдори белгиланади, чунки даромад ва харажатларни олдиндан аниқ белгилаш мушкул, чунки улар оила хоҳишидан қатъи назар ўзгариб туради. Иш юришмаса, даромад қисқаради, бозор нархи ортса, харажат ортади. Харажатлар аниқланганда, авваламбор, улардан энг зарурига пул ажратиш кўзда тутилади. Булар жумласига овқатланиш, даволаниш, коммунал хизмат ва билим олиш сарфлари киради. Иккинчи ўринда, кийиниш, дам олиш, уйни жиҳозлаш, томоша ва ниҳоят тўй, маъракалар сарфлари киради. Биринчи гуруҳ сарфларига устуворлик берилиб, уларни оила биринчи навбатда пул билан таъмин-

Taklif

лайди. Бундан ортиб қолган пул ҳисобидан иккинчи гуруҳ харажатлари қопланиши кўзда тутилади. Оила иқтисоди бир маромда бориши учун пул захираси талаб қилинадики, бу ҳам бюджетда режалаштирилиши керак.

Кўпчилик оила соҳиблари даромад ва харажатларни режалаштиришга эътибор бермай келадилар. Бу нотўғри, албатта. Ҳисоб-китоб бор ерда барака бор. Келажакда иқтисодий маданият ва саводхонликка эга бўлган ёшларгина мустақам оила соҳиблари бўлиши мумкин.

БухДУ талабалари «Маънавият асослари» фанидан «Оила функциялари ва муаммолари» маърузасини ўтгунга қадар, талабаларнинг даромаднинг келиши ва сарф ҳақидаги тасаввурлари (кийиниш, овқатланиш, йўл муаммоси ва бошқалар) чегараланган эди. Ваҳоланки, оила бюджетини тақсимлашда бундан ҳам асосий масалалар мавжуд.

Маърузадан кейин уларнинг оила иқтисодий функциясига муносабатлари ўзгаришини кўрдик.


Ҳар бир оила, ҳатто у бой бўлса ҳам, ўз бюджетини режалаштириб бориши бозор иқтисодиётининг қатъий талаби ҳисобланади. Шундагина оила бозор иқтисодиёти қонун-қоидаларига мослаша олади.

Кудрат ДИЛМОҲОВ,
Зарина КАМОЛОВА

Сайқали рўйи замин — Самарқанду азим яқин ўн йилликларда бундайин кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларини кўрмаган. Ҳамшаҳарларимиз ҳар қадамда гулу гулзорларидан хушбўй гуллар ифори таралиб турган боғ-хийобонларни, майдонларни кўрган эмаслар. Европа шаҳарлари кўчалари билан қиёс этгулик Самарқанд йўллари шаҳримизга ташриф буюрган хорижий сайёҳларни ҳам лолу ҳайрон қолдирмоқда. Жаҳон андозаларига мос Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Абу Абдулло Рудакий, Воҳид Абдулло номидаги кўчалар, аэропорт йўли ҳамда бульвар атрофи чунонам обод бўлдики, йўллар бўйидаги турли гуллар, яшилликни кўриб, дилингиз кувнайди. Бу равон йўлларнинг кўпчилиги обод мавзе ва гўшаларда қурилган ва қурилаётган спорт иншоотларига элтади. Болаларимиз, ўсмир-ёшлар соғлом ўсиши, вояга етишлари учун Президентимиз, ҳукуратимиз ғамхўрлик кўрсатаётгани келажак авлод учун қилинаётган энг катта эзгу ишлардир.

Таъбир жоиз бўлса айтмоқ керакки, Самарқанд шаҳрининг Даҳбед мавзесида Рудакий кўчаси бўйида бир ажойиб спорт мажмуаси бунёд этилдики, бу ерда спортнинг барча тури билан шуғулланиш мумкин. Шундоқ чуқурликда бағрига ўн беш минг томошабинни сиғдирадиган стадионни узукдаги кўзга қиёслагинг келади. Ойнаванд кошона ичгариси ҳамда зиналарига рангли мармар билан жило берилган. Ўсмирлар таҳсил олиши, спорт билан шуғулланишлари учун бу ерда академик лицей, тиббиёт коллежи, спорт йўналишидаги педагогика коллежи, спорт заллари ва ётоқхоналар қад ростлади. Атрофи гулу гулзор ва обод мавзеда — мана шу мухташам кошонада республика талаба-ёшларининг "Универсиада—2004" спорт мусоба-

САМАРҚАНД КАТТА СПОРТ БАЙРАМИ ОЎУШИДА



Universiada — 2004

қаларининг тантанали очилиш маросими ўтказилади.

Спорт мажмуасини айланб юриб, ўтган асрнинг 60—70-йилларида собиқ иттифоқ мусобақалари ва халқаро чемпионатларида қатнашиб кўрганим — Москва ва Ленинград, Улан Батор, Техрон, Лондон, Рига каби шаҳарлардаги спорт кошоналари кўз олдимга келди. Бизнинг спорт кошоналаримиз улардан ҳам зиёда қурилди, Япония, Жанубий Корея ҳамда Хитой шаҳарларидаги спорт мажмуалари даражасида баланд-баланд қилиб барпо этилди.

Спортни ривожлантирмай туриб, соғлом авлодни вояга етказмасдан ёрқин келажакимизни яратолмаймиз, деганди Президентимиз Ислон Каримов. Биз бугун ҳар бир туманда, қишлоқда спорт майдончалари қуришимиз керак. Ана шунда фарзандларимиз соғлом, бақувват бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари амалда исботини топди. Мукамал лойиҳа асосида қурилган "Дельфин" сузиш ҳавзаси, унинг соя-салқин йўлакчалари чинакам дам олиш оромгоҳидир. Ёпиқ спорт мажмуаси меъморий жиҳатдан Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Бу ердаги ёруғ, шинам спорт заллари камалак рангларда жилолиб турибди.


"Универсиада—2004" мусобақалари доирасида Самарқанд йирик спорт мажмуалари, иншоотларига эга бўлди. Вилоят ҳокимлиги ҳамда ҳомийлар кўмагида замонавий ва миллий меъморчилик намуналарида барпо этилган иншоотлар бугунги куннинг бунёдкорлик ишлари намунаси бўлиб элга, болаларимизга қолади.

Туманлар марказида, қишлоқларда стадионлар, спорт майдонлари қурилиб, махсус жиҳозланди, мусобақалар

учун шай ҳолга келтирилди. Мустақиллик байрами кунлари қуёшли Ўзбекистонимиз-

этироф этишича, соҳибқирон Амир Темур даврида Самарқанд етти иқлимга машҳур обод шаҳар, Мовароуннаҳрнинг пойтахти бўлган. Дунёнинг турли бурчагидан олиб келинган ҳунарманду меъморлар, наққошу кошинкорлар кўҳна шаҳарни сайқали рўйи замин даражасига етказганлар. Барчаси жаҳонро сайқал топган. Тарихчи олимлар — А.Бердимуродов, К.Каттаевларнинг таъкидлашича, олти асрдан бери Самарқанд бундайин кенг кўламли бунёдкорлик ишларини кўрмаган. Биз Даҳбед мавзеидаги мухташам спорт мажмуасини муаззам шаҳарга узукдаги кўз мисоли ярашиқли бўлди дедик. Алқисса, Самарқандда бугун мустақиллик туфайли ўнлаб осмонўпар бинолар қад ростлаб, меҳмонхона ва билим юртлари бинолари қурилдики, уларнинг бариси бугунги Самарқанд тимсоли бўлиб турибди.

Неон чироқлари ёруғида порлаб турган тунги Самарқанд "Универсиада—2004" мусобақаларига қучоқ очиб тургандай гўё. Бу туйғулар барчамизнинг қалб ифтихори-



нинг шаҳру қишлоқларидан ташриф буюрадиган талаба-ёшлар мазкур спорт қурилишларини кўрадилар, қадим шаҳар гўзаллигидан баҳраманд бўладилар.

Олимлар, тарихчиларнинг

миз, қувончимиз, истиклолимиздир.

Мамажон АХМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси,
Халқ таълими аълочиси,
халқаро тоифадаги ҳаким
Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

АФИНАДАГИ ОЛИМПИАДА МУСОБАҚАЛАРИ ФАКТ ВА РАҚАМЛАРДА

Afina — 2004

Тўрт йилда бир маротаба ўтказиладиган энг йирик спорт мусобақаларидан бири Афинада бўлиб ўтаётган XXVIII ёзги Олимпия ўйинлари ҳақида қуйида энг муҳим далил ва рақамлар билан танишинг:

* Биринчи Олимпия ўйинлари эрамизгача 776 йилда Грецияда ўтказилган.

* Замонавий Олимпияда тарихида Афина шаҳрида иккинчи марта ёзги мусобақалар ўтказилмоқда. Биринчи Олимпия ўйинлари 1896 йилда ўтказилганди.

* Одатда Олимпия ўйинларини ўтказиш ҳуқуқи қуръа ташлаш йўли билан номзод шаҳарлар орасидан танлаб олинади. 1997 йил 5 сентябрда Рим, Буэнос-Айрес, Кейптаун, Стокгольм, Истамбул, Лилль, Рио де-Жанейро, Сан-Хуан ва Санкт-Петербург каби шаҳарлар орасида фақат Афинагина 2004 йилда XXVIII ёзги мусобақаларни ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритди.

* 16 кун давом этадиган мусобақалар Афинадаги 38 та спорт майдонида амалга оширилади. Спортнинг 28 та тури бўйича беллашувчилар 301 та медал учун куч синашмоқда.

* Олимпиадада 10500 спортчи ва 202 та давлатдан келган 3000 расмий шахслар иштирок этапти. Олимпиада ўйинлари 21500 та ОАВни томонидан намойиш этиляпти.

* Мусобақалар хавфсизлиги учун 45 минг маҳаллий, 60 мингдан ортиқ хорижий ҳуқуқни ҳимоя қилиш маҳкамалари ходимлари масъулдир.

* Ҳомийлар томонидан "Афина—2004"нинг тўғридан-тўғри трансляцияси учун 1 млрд. доллар ажратилган. Маълагнинг 60 фоизи Олимпия ўйинлари бюджетидан, қолган 40 фоизи эса маҳаллий ишбилармонлар томонидан чипта ва рухсатнома сотиш билан қопланиши режалаштирилган.

* Ҳозирга қадар 65 та давлат спортчилари медаллар билан тақдирланди. Энг кўп олтин медал АҚШ ва Хитой (23 тадан) спортчиларига тегишли. Тўплаган баллар ҳисобида ҳам АҚШ (66 балл) ва Хитой (50 балл) етакчилик қилмоқда.

Ўз очко ва медалларининг сони жиҳатидан давлатлар қуйидаги кетма-кетликка бирлашганлар:

1. АҚШ 23 та олтин, 26 та кумуш, 17 та бронза, жами 66 балл.
2. Хитой 23 та олтин, 15 та кумуш, 12 та бронза, жами 50 балл.
3. Япония 15 та олтин, 8 та кумуш, 9 та бронза, жами 32 балл.
4. Австралия 13 та олтин, 9 та кумуш, 13 та бронза, жами 35 балл.
5. Франция 9 та олтин, 7 та кумуш, 9 та бронза, жами 25 балл.

МДХ давлатларидан тўплаган медаллари ва баллари ҳисобида Украина 9-ўринда (8 та олтин, 16 балл), Россия 11-ўринда (6 та олтин, 41 балл), Белорусь 18-ўринда (2 та олтин, 11 балл), Грузия 23-ўринда (2 та олтин, 3 балл), Эстония — 48, Козогистон — 50, Озарбойжон — 57-ўринларда бормоқда.

Моҳира ШОДМОНОВА



Ҳурматли Шоҳида Икромовна!

Сизни қутлуғ 60 ёшингиз билан табриклаймиз. Сизнинг чуқур билимингиз, ўтқир зеҳнингиз доимо Ватан учун хизмат қилишда, маориф соҳасидаги таълим ва тарбия ишларини ривожлантиришда ҳамроҳ бўлсин.

37-ёрдамчи мактаб ўқитувчилар жамоаси.



Муҳтарам Ёқутхон Мўминова!

Сизни муборак 50 ёшингиз билан қутлаймиз. Мактаб жамоаси эришадиган ютуқларда муносиб ҳиссангиз борлигини, ўқувчилар қалбидан жой олганингизни эътироф этамиз. Ижодкор, изланувчан муаллима, санъатсевар ўқувчилар ҳомийси, "Ёш актёрлар" тўғрагининг раҳбари сифатида сизни доимо эъзозлаймиз. Яна узоқ йиллар меҳнатингиз самарасини, фарзанд ва шогирдларингиз камолини кўриб юринг.

Юнусобод туманидаги 274-мактаб жамоаси.

Tuyg'u

СИНФДОШ... Бу сўзда болаликнинг беғубор лаҳзалари, шўх-шондон, бекайғу, самимий хотиралар яширин. Азиз синфдошгинам, сенга бўлган самимий, покиза туйғуларим бугун соғинч ила кўлимга қалам тутқазди.

Мана, мактаб дея аталмиш кутлуғ даргоҳдан учирма бўлганимизга ҳам бир неча йил бўлибди. Катта ҳаёт йўлида аста-секин одимлаб, бугун ўз ўрнимизга эга бўлдик. Бир синфда таҳсил олган бир гуруҳ ўқувчилар бугун ҳаммамиз ўз касбимизга эгамиз. Кимдир ҳамшира, бошқа бири тарбиячи, кимдир ошпаз, яна бири тиш шифокори, бири дурадгор, бошқаси ҳайдовчи...

ЭНДИ ЎЗИМ
ҲАМ УСТОЗ...

Синфдош, биринчи ўқитувчимиз, синфимиз эсингдами? Биз ҳаммамиз устозимизга, уларнинг ширин сўзларига ҳавас қилардик. Уларга ўхшашга, улардек бўлишга интилардик. Ўқитувчимизни жуда яхши кўрардик, меҳр билан «устоз» дея атардик.

Уша болаларча меҳр, ҳавас мени шу касбни эгаллашга ундади. Бугун мен ўша, ўзимизнинг мактабда, ўзим ўқиган синфда жажжигина ўқувчиларга дарс бераман. Улар ҳам мени «устоз» деб аташади. Ўқувчиларимнинг зийрак нигоҳларида, беғубор чеҳраларида, ширин сўзларию шўхликларида болалигимни кўргандек бўламан. Уларнинг кўзларида бизнинг болалигимиз яширинганга ўхшайди.

Кунлар ойларни, ойлар йилларни қувлашиб ўтаверар экан. Қанийди бир зум болалигимиз, синфдошлик, ўқувчилик кунларимиз қайтиб келса, шўх кулгулар, қий-чувга тўла синфхонада, самимий синфдошларимиз даврасида яна бирга ўтирсак. Танаффус бўлишини соғиниб кутадиغان, бекайғу чопқиллаб юрадиган дамларимиз яна қайтиб келса, қанийди...

Бугун сени кўрсатдим, сени соғиниб қолувчи СИНФДОШИМ...
Наргизабону Баҳодир қизи,
ўқитувчи

ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА КУТУБХОНАЧИЛАР
ҲАМДА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!!!

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти
томонидан 2004-2005 ўқув йили учун қуйидаги дарсликлар чоп этилди:

Ўзбек мактаблари учун:

1. О.Каримова "Конституция алифбоси" 2-3-4-синф
2. В.Костецкий "Конституция оламига саёҳат" 5-6-7-синф
3. "Жаҳон тарихи" 7-синф
4. "Чизмачилик" 8-синф
5. "Ўзбекистон тарихи" 8-синф
6. "Чизмачилик" 9-синф
7. "Конституциявий ҳуқуқ асослари" 9-синф
8. "Умумий биология" 10-синф
9. "Ҳуқуқшунослик" 10-синф учун
10. Г.Хидоятлов "Жаҳон тарихи" 10-синф
11. Каримов "Ўзбекистон тарихи" 10-синф
12. "Жаҳон тарихи" 11-синф
13. "Ўзбекистон тарихи" 11-синф
14. "Ҳуқуқшунослик" (кирилл) 10-11-синф
15. "Умумий биология" (кирилл) 10-11-синф



Рус мактаблари учун:

1. В.Костецкий "Азбука конституции" 2-3-4-класс
2. "Русский язык" 4-класс
3. С.Зинин и др. "Русский язык" 6-класс
4. В.Костецкий "Путешествие в мир конституции" 5-6-7-класс
5. "Литература" 6-класс
6. "Всемирная история" 7-класс
7. "Русский язык" 7-8-класс
8. "История Узбекистана" 8-класс
9. "Основы конституционного права" 9-класс
10. "Общая биология" 10-11 класс
11. "Русский язык" 10-11-класс
12. Коллектив "Правоведение" 10-11 класс
13. Г.Хидоятлов "Всемирная история" 10-класс
14. "История Узбекистана" 10-класс
15. "Всемирная история" 11-класс
16. "История Узбекистана" 11-класс

Дарсликлар тожик, қозоқ, туркман, қирғиз тилларида ҳам мавжуд.
Сиз ушбу дарсликларни ҳамда бадиий, иқтисодий ва маърифий мавзудаги,
шунингдек, болалар учун нашр этилган янги алифбодаги китобларни
"Шарқ зиёкори" китоб дўкони ва унинг вилоятлардаги филиаллари орқали
чекланмаган миқдорда нақд ёки пул ўтказиш йўли билан улгуржи харид
қилишингиз мумкин. Харидорларга дарсликлар учун чегирма (скидка)
берилади.

Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 26. "Шарқ зиёкори" китоб дўкони
(мўлжал: Алишер Навоий номидаги театр), тел.: 133-58-72, 133-35-90


Вилоятларда:

Бухоро шаҳри, Иқбол кўчаси 11-уй, тел.: 22-37-596
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси (Оқ бозор биноси) тел.: 226-42-93.
Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси 71, тел.: 25-38-93.
Самарқанд шаҳри, Университет булвари 15, тел.: 33-23-8-68.
Наманган шаҳри, Аҳси кўчаси — (Сардоба бозори ёнида), тел.: 6-48-31.
Хива шаҳри, Қўриқхона "Ичан-Қалъа", тел.: 5-36-52.
Навоий шаҳри, Ўзбекистон кўчаси-14, тел.: 223-01-30.
Қарши шаҳри, 7-митти туман, 9-уй, тел.: 227-66-44.
Фарғона шаҳри, Бувайда тумани, Янгиқўрғон қишлоғи, Навоий кўчаси 1, тел.: 92-942.
Тошкент вилояти Зангиота туманидаги "Илм шуъласи" ОАЖ бозори.

Биз билан ҳамкорлик қилишга шошилинг!
Нархлар сизни қаноатлантиради!

«ТАРИХ»

1. Сўз туркуми.
2. Рангли металл.
3. Радиактив элемент.
4. Венесуэла пойтахти.
5. Мағзи ақл фаолияти учун фойдали мева.
6. Ўрта Осиёдаги тоғ.
7. Нон тури.
8. Ўзбек миллий таоми.
9. Уйғун асари.
10. Газлама тури.
11. Андижон вилоятидаги туман.
12. Отнинг ем идиши.
13. Абдулла Қаҳҳор романи.
14. Йилига икки марта ҳосил берувчи мева.
15. Адабий жанр.
16. Тиниш белгиси.
17. Балиқ тури.
18. Миллат.
19. Ўтмишни эслатувчи фан.
20. Ўзбек мумтоз шоири.
21. Ҳалол гўшти ёввойи ҳайвон.
22. Бешик анжом.



КРОССВОРДИ

23. Суқ.
24. Сув транспорти.
25. Республикамиздаги вилоят.
26. Илк бор глобусни кашф этган ўзбек алломаси.
27. Чорва озуқаси.
28. Маҳбус учун кулфли ҳалқа.
29. Дунё томони.
30. Жихоз.
31. Фарбий Осиёдаги давлат.
32. Ҳиндистон пул бирлиги.
33. ... Бурхонов.
34. Ўзбек миллий сози.
35. Ёғин.
36. Дуккакли экин.

Шакл ўртасидаги филворднинг тўғри ҳал қилсангиз, XIX аср (1799—1850)да яшаб ижод этган машҳур француз ёзувчиси Оноре де Бальзакнинг афоризмини билиб оласиз.

Тузувчи: Турсунали ҒАНИЕВ

Ma'rifat

ТАБСИС
ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими
вазирлиги, Ўзбекистон
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги, Таълим
ва фан ходимлари касба
уюшмаси Марказий
Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ,
Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром
БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин
КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой
МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ,
Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари), Хулкар ТҶИМАНОВА,
Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла
ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
№ 024 рақам билан 2003 йил
17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149. Г-929.
Тиражи 21117. 1 3456
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз
бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Хулкар ТҶИМАНОВА.
Навбатчи:
Азиз НОРҚУЛОВ.

"Маърифат"дан материалларни кўчириб босиш
таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга
қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Е-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий
таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мак-
табдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —
136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт ян-
гиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таъ-
лим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбага
йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари
бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўли-
ми—136-54-69.

Xullas...

ХЕМИНГУЭЙНИНГ
ҚИЁФАДОШИ

Американинг Флорида штатида қарашли Ки-Уэйт шаҳарчасида ҳар йили машҳур ёзувчи Эрнест Хемингуэйнинг қиёфадошларини топшига бағишланган танлов бўлиб ўтади.

Бу йилги танловда 100 киши қиёфадошликка даъвогарлик қилиб, ўзларини ҳар томонлама намойиш этдилар; ташқи кўриниш, юриш-туриш, кўшиқ айтиш, ўйинга тушиш, муסיқа асбобини чалиш... Ҳаттоки қиёфадошлар ёзувчининг асарларидаги жумлаларни ҳам худди ўзига ўхшатиб ўқишга ҳам тушиб кетдилар. "Ҳақиқий Хемингуэй"ликка 65 ёшдаги Жон Стаббингс муносиб деб топилди.

ОСМОНЎПАР
БИНОГА 25
ДАҚИҚАДА

Алан Робер — франциялик, 41 ёшда. "Хобби"си баландликларни забт этиш. Ўн икки йилдирки, у ана шу қизиқиш билан банд. Ҳозирга қадар 70 та осмонўпар бинони забт этишга эришган. Нью-Йоркдаги "Элепайр стейт-билдинг", Куала-Лумпурдаги қўш минора, шунингдек, Париждаги Эйфел минорасини, Сан-Францискодаги "Олтин дарвоза" кўпригини забт этишга муваффақ бўлган Алан Робер хамиша таъкибга учради. У "биноларга ноқонуний чиққанлиги", "аҳоли тинчлигини бузганлиги" учун жазоланган.

Охирги марта, яъни яқинда ўз "хобби"сидан воз кечишни истамаган бу франциялик баланд иншоотлар ишқибози Индонезиянинг Жакарта шаҳридаги 27 қаватли бино тепасига чиқди. "Индостат" телекоммуникация компаниясини забт этган Роберга бу сафар ҳеч қандай айб қўйилмади.

ana shunaqa
gaplar

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида
Лилия БИНАШЕВА
ва Малоҳат ТОШОВА
саҳифаллади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа
акционерлик компанияси
босмахонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон»
кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.